ДЎСТЛИК ҚОНУНИ БЎЙИЧА

• *ШИОРИМИЗ: «КАМ САРФ БИЛАН КЎПРОҚ, СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАЙЛИК!»*

• ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ—МУСОБАҚАНИНГ БАРЧА ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 65 (2353).
19 МАРТ, 1974 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Тошкент—Олмаота: меҳнат беллашуви

Бундан 45 йил муқаддам, 1929 йилнинг март ойи бошларида Ленинграддаги «Красний виборжец» заводи меҳнаткашларининг мактуби эълон қилинган эди. Улар маҳсулот таннарҳини камайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун оммавий социалистик мусобақа ташкил этишга даъват этган эдилар. Шундай қилиб ишчиларнинг газетадаги мақоласи план топшириқларини муддатидан илгари ортиғи билан бажариш учун умумхалқ ватанпарварлик ҳаракатини авж олишига сабаб бўлди. Беш йилликнинг белгиловчи йилида меҳнат беллашуви ҳар бир ишлаб чиқариш, қурилиш ва илмий ташкилот коллективи ҳаётининг ажралмас ва энг ҳусусиятли белгиси бўлиб қолди.

Шаҳримизда социалистик мусобақа кун сайин кенг қулоч ёймоқда. Тўққизинчи беш йилликка белгиланган режаларни амалга ошираётган тошкентликлар партия ташкилотларининг ташаббуси билан шартномалар бўйича меҳнат беллашувини ташкил этмоқдалар. «Тўққизинчи беш йилликда икки беш йиллик планни бажарамиз!» — ана шу беллашувнинг шиоридир. Саноат корхоналарининг, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг ишлаб чиқариш илғорлари яқинда худди ана шундай ватанпарварлик ташаббуси билан чиқдилар. Бу ташаббус Ўзбекистон Компартия Марказий Комитети томонидан маъқулланди. Ташаббускорлар ўртасида ҳамшаҳарларимиз ҳам бор. Тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси Вера Солдатова, «Ташсельмаш» заводининг слесари Маҳмуд Мўйдинов, «Висотстрой» тресты 69-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Мухтор Ҳабибуллаев шулар жумласидан. Улар социалистик мусобақада иштирок этиб маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, топшириқларни муддатидан илгари адо этиш учун резервларни қидириб топмоқдалар.

Илғорлар ташаббуси республика пойтахти корхоналарида тобора кенг қўллаб-қувватланмоқда. Белгиланган марраларни эгаллашда уларга турли шакл ва усулларга эга бўлган меҳнат беллашуви ёрдам бермоқда. Бригадаларнинг, турли шаҳарлар турдош корхоналари коллективларининг, бутун-бутун шаҳарларнинг мусобақаси шулар жумласидандир.

Тошкент меҳнаткашлари икки йилдан бери Олмаота меҳнаткашлари билан мусобақалашишяпти. Меҳнат беллашувида тўқимачилар, қурувчилар, транспортчилар, қатор заводларнинг ишчилари иштирок этишмоқда. Газетамизнинг бугунги биринчи саҳифасида ана шу меҳнат беллашуви ишга қандай таъсир этаётгани, коллективлар ҳаётига қандай ўзгартиш киритаётгани, қардош Қозоғистон пойтахти меҳнаткашларининг муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилинади.

КПСС Марказий Комитети шунга аминки, совет кишилари умумхалқ социалистик мусобақаси байроғини янада баланд кўтарадилар ва ўзларининг фидокорона, зарбдор меҳнатлари билан 1974 йилги план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилишини таъминлайдилар.

(КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан).

ИККИ ШАҲАР ТЎҚИМАЧИЛАРИ ҲУЗУРИДА

▲ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ҒОЛИБ ЧИҚИШДИ.

▲ ҲАМКАСБЛАР ТАЖРИБАСИ ҚИЗИҚТИРИБ ҚОЛДИ.

▲ МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТАДИ.

Яқинда Тошкент тўқимачиларининг делегацияси Олмаота ип-газлама комбинатида бўлиб, икки турдош корхона коллективлари ўртасидаги 1973 йилги социалистик мусобақага якун ясаш ва 1974 йилга мўлжалланган янги шартнома тузилишига бағишланган касаба союз йиғилишида иштирок этди.

Комбинат бош инженерининг ўринбосари А. Пивкина делегацияга бошчилик қилган эди. Мухбиримиз яқинда у билан учрашиб, олмаоталик ҳамкасблари билан учрашувлари ҳақида ҳикоя қилиб беришни илтимос қилди.

— Албатта, бизни биринчи навбатда ишлаб чиқариш жараёни билан таништиришди. Биз кўпгина фойдали ва ибратли нарсаларни кўрдик. Олмаота ип-газлама комбинати ҳали ёш — ўн ёшга ҳам тўлмаган. Кенг ва ёруғ цехларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва чет эллардан келтирилган энг янги маркадаги жиҳозлар ўрнатилган. Ёрдамчи цехлар ва рўзғор хоналари жуда қулай қурилган. Фабрика ичида ҳаракат қиладиган транспорт ҳам яхши ташкил этилган: Прицеп аравачали кичик ҳажмдаги электрокарлар ярим тайёр ва тайёр маҳсулотларни ўз вақтида ташиб туради. Кўзимизга биринчи ташланган нарса оғир меҳнат талаб қиладиган барча иш жараёнларининг механизациялашгани бўлди. Масалан, химия цехини олайлик. Бу ерда материал ва бўёқлар фақат механизмлар ёрдамида келтирилади.

Бизни айниқса АТПР-120 тўқув станокларининг аниқ ташкил этилган ремонт усули қизиқтириб қолди.

Группамиз сафаридан асосий мақсад социалистик мусобақанинг боришини ўзаро текшириш эди. Эслатиб ўтаман, шу вақтга қадар мусобақада ҳар икки комбинатнинг фақат йигирувчилари ва тўқувчилари иштирок этишарди. Мана энди пардозлаш фабрикамизнинг бош инженери В. Лопатиннинг айтишига қараганда, уларнинг коллективи ҳам олмаоталик ҳамкасбларини мусобақага чақирибди. Мезбонлар номидан пардозлаш корхонасининг директори В. Хазов ҳамкасбларининг даъватини қабул қилганликларини маълум қилди.

Тошкентликлар делегациясининг аъзоси Леонид Ли олмаоталик ҳамкасби Виктор Катковни шахсий мусобақага чақирди.

Л. П. Казанцева ва Е. Губинанинг Олмаота ип-газлама комбинатидаги издошларидан бири, тўқувчи Галина Куликова бу йил ҳам бизнинг ёш тўқувчимиз 2-фабрика ишчиси Ольга Козлова билан беллашади.

Корхоналар фаолиятининг ўтган йилги якунлари бўйича йиғилиш Тошкент тўқимачилик комбинати коллективини 1973 йилги социалистик мусобақа ғолиби деб топди. 1974 йилда мусобақалашиш тўғрисида шартнома имзоланди. Ана шу мусобақа шартларининг бажарилиши бир йилда икки марта корхоналарнинг ўзаро текшириш бригадалари томонидан текширилади.

Шунингдек, кўчма Қизил байроқ, ғолиблар учун вимпеллар таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Икки турдош корхонанинг меҳнат соҳасидаги беллашуви давом этмоқда. Тошкентлик тўқимачилар ғолибликни қўлдан бермасликка, беш йилликнинг белгиловчи тўртинчи йилини зарбдор меҳнат билан нишонлаш учун бутун куч ва маҳоратларини сарфлайдилар.

В. БЕЛОПЛОТОВ.

Ҳар икки томон учун ҳам фойдали

Мухбиримиз Олмаота шаҳар партия комитетининг секретари Гибадулла Мурзағалиевич Мурзағалиев билан учрашиб, Олмаота ва Тошкент ўртасидаги социалистик мусобақанинг бориши ҳақида гапириб беришни илтимос қилди. Қуйида биз мана шу суҳбат текстини босамиз.

— Олмаота ва Тошкент меҳнаткашларининг меҳнат мусобақаси ўтган йилнинг 1-кварталида «Оз маблағ сарфлаб, кўплаб юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарамиз» деган шиор остида бошланганди, у ҳозир ҳам худди шу шиор остида давом этяпти.

Биз ўзимизнинг кундалик ишимизда социалистик мусобақанинг ленинча принципларига амал қиламиз. Маълумки, ишдаги ҳамма тажрибани механик йўсинда бир корхонадан иккинчи корхонага олиб ўтиш мумкин эмас. Ҳар бир корхонада ўзининг меҳнат хусусиятлари, ўз талаблари, у ёки бу масалани ҳал этишда ўз методлари бўлади. Мана шунинг учун ҳам биз ўз шаҳримизда ҳам, шунингдек, икки шаҳримизнинг беллашувида ҳам социалистик мусобақани турдош корхоналар, турдош бўлинмалар ўртасида ташкил этиш йўлидан бораяпмиз, токи улар у ёки бу янгиликни, илғор иш методини тенг даражада қўллашлари мумкин бўлсин.

Шундан келиб чиқиб, Олмаотадаги Октябрь революцияси 50 йиллиги номли ип-газлама комбинати ишчилари Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи билан, Олмаота асбобсозлик заводи Тошкентдаги «Эталон» заводи билан мусобақалашаяпти. Олмаота ва Тошкент пассажир автотрестлари, полиграфия комбинатлари, ҳисоблаш техникасини ремонт қилувчи заводлар ва бошқа корхоналар ўртасида ҳам социалистик мусобақа бўйича шартнома тузилган.

— Гибадулла Мурзағалиевич, шаҳарларимизнинг меҳнат коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг шу пайтгача бўлган якунлари ҳақида нималар дейиш мумкин?

— Катта ва кенг умумлашмалар чиқариш учун бир йил қисқа муддат. Шунга қарамасдан бизнинг меҳнат мусобақамиз ҳақида кўпгина ижобий гапларни айтиш мумкин. Масалан, бизнинг ёш ип-газлама комбинатимиз коллективи билан уларнинг тажрибали ҳамкасблари бўлган Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи ўртасида жуда яхши алоқалар ўрнатилди. Олмаота ип-газлама комбинатида тошкентликларнинг кўпгина техника янгиликлари жорий қилиниб қолмай, балки у ердаги ишлаб чиқариш машъалаларининг тажрибалари ҳам оммалашяпти. Бизнинг ўнлаб тўқувчи ва йигирувчиларимиз, мастерларимиз ва ёрдамчи мастерларимиз нормадаги 45 ўринга 60 станокка хизмат қилаётган тошкентлик тўқувчи Евгения Губинадан ўрнак олиб ишлаяптилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бу коллективларнинг мусобақаси катта таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Мусобақа бўйича шартнома тузиш учун ўтган йилнинг бошида бизга Тошкент тўқимачилик комбинати вакиллари келишди. Биринчи ярим йилликка якун ясаш ва тажриба алмашиш мақсадида август ойида Тошкентга бизнинг ип-газлама комбинатимиз делегацияси борди. Ўшанда ғолибларнинг кўчма вимпелини тошкентликлар қўлга киритишди.

Бу вазият олмаоталик тўқувчиларга катта туртки бўлди, иккинчи ярим йилликда улар янада самаралироқ меҳнат қилишди. Шуни айтиш етарликки, ўтган йил якуни бўйича ялпи маҳсулот ҳажми бурунги йилдагига нисбатан 15 процент ўсди. Маҳсулот реализация қилиш 10,3 процент, меҳнат унумдорлиги 7,9 процент ўсди. Ишлаб чиқаришга 46 та янги газлама гулларини жорий қилишди.

Бу коллективларнинг меҳнат мусобақаси кун сайин янгидан-янги меҳнат машъалаларини пайдо қилаяпти. Масалан, комбинатимиз тўқувчиси Бахитжон Есбергенова ва ўровчи Наталья Кисель шунингдек, 40 та ўринга 60 та станокка хизмат кўрсатаётган мастер ёрдамчиси Алдарберган Қувонишбоев ҳозир 1975 йилнинг апрели ҳисобига меҳнат қилишаяпти. Мастер ёрдамчиси Александр Антонцев шахсий беш йиллик планни шу йилнинг апрелида бажариш ва қўшимча 406 минг метр газлама ишлаб чиқариш мажбуриятини олди, тўқувчи Лидия Кочетова ва Мария Макарова яқинда ўзларининг беш йиллик планларини бажардилар ва ҳозир 1976 йил ҳисобига меҳнат қилаяптилар. Шу нарса қувончлики, кейинги пайтларда Тошкент ва Олмаотада ўзаро мусобақалашаётган бригадалар ва айрим ишчилар сони кўпайиб боряпти.

[Давоми 2-бетда].

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР

Мана, бир неча йилдирки, «Ташоблкниготорг»га қарашли китоб почтаси магазинидан Қозоғистоннинг деярли барча областларига минглаб китоблар жўнатилади.

Қардошларимизд а н бу йил одатдагидан кўп турли адабиётлар учун буюртма олинди. Магазин коллективи мижозларга китобларни ўз вақтида жўнатиб, уларнинг ташаккурига сазовор бўлмоқда.

Йил бошидан буён целиноградлик адабиёт мухлисларига шоир Ғафур Ғулом ҳаёти ва ижодига оид китоблар Акмал Икромовга бағишланган очерклар, Ўзбек Совет энциклопедиясининг I, II, III томлари, Файзулла Хўжаевнинг танланган асарлари юборилди.

Тошкент—Қозоғистонга

Пайвандлаш трансформаторлари

«Ташэлектромаш» заводи коллективи бу йил қўшни Қозоғистонга 1173 та трансформатор етказиб беришга аҳд қилган.

Мижозлардан биринчи квартал учун олинган буюртма икки баробар зиёда адо этилди. Уларга 400 га яқин трансформатор жўнатилди.

Заводдан деярли ҳар куни Қозоғистонга пайвандлаш трансформаторлари юборилади. Куни-кеча Олмаота шаҳрига 144, Чимкент области бунёдкорларига 70 ўрнига 120 дона трансформатор жўнатилди.

Қардош Қозоғистон республикаси қурувчилари буюртмаларни муддатидан илгари ортиғи билан адо этаётган машинасозлардан ғоятда мамнунлар.

Қардошларга 200 трактор

Тошкент трактор заводи коллективи бу йил қардош Қозоғистон чўлқуварларига 200 дан ортиқ қишлоқ хўжалик тракторларини етказиб беради. Бунинг учун, ҳар минутдан унумли фойдаланиб, буюртмалар вақтида бажариляпти. Қозоғистонда қўриқ ерлар ўзлаштирилганининг 20 йиллиги нишонланаётган бир пайтда завод тракторсозлари «Т28Х-4» маркали 38 тракторни у ерга жўнатди. Бу, планда белгиланганидан бир неча дона кўп демакдир.

Айни кунларда Шимолий Қозоғистон ҳамда Чимкент области далаларида мазкур заводда ишлаб чиқарилган юзлаб тракторлар ишлаб турибди. Бундан қўшни республика чўлқуварлари ғоятда хурсанд бўлишмоқда. Чунки Тошкент тракторлари бўз ерларни ўзлаштиришда ғоятда қўл келяпти.

Қозоғистонда биринчи квартал учун олинган буюртмани ортиғи билан адо этган завод коллективи тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи йилида меҳнатда муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

Олмаоталиклар коммунистик қурилишнинг барча участкаларида муваффақиятли меҳнат қилишаяпти. Бугун биз тошкентликларни уларнинг айримлари билан таништирамиз. Суратларда: (юқоридан пастга) — «Гортяжстрой» қурилиш-монтаж бошқармасининг энг яхши электр пайвандчиси Иван Иванович Ажикин; Екатерина Яковлевна Ерофеева, Ю. А. Гагарин номидаги тикувчилик фирмасида ишлайди. Сифат белгиси бўлган маҳсулотларни тикади; 5-автобус паркининг бригадири, пешқадам ҳайдовчи А. С. Четбаев. У 110-маршрутдаги автобусларга хизмат қилади; қозон-ёрдамчи жиҳозлар ва трубопроводлар заводи коллективи ўртасида комсомол аъзоси Мадина Кабирова катта ҳурматга сазовор бўлган. У ўз иранида графикдан ўзиб меҳнат қилади; Валентина Волколупованинг ҳунар-техника билим юртини тугатиб, Олмаота ип-газлама комбинатига ишга келганига тўрт йил бўлди. Ҳозир у 1-йигирув-тўқув фабрикасининг илғор ишчиларидан бири.

ТЎРТ ЙИЛДА

РЕПОРТАЖ

Ҳамид Қорабоевич Қорабоевни мен янги телемарказ маъмурий-студия комплекси қурилишида таянч колонналарига бетон қуйилаётган ерда учратдим. У калтагина пахталик камзул, бошида жигар ранг каска кийган, бригада аъзолари билан котлован ичида турарди. Ана шу ердан кўприкнинг улкан оёқлари сингари таянч колонналари қад кўтаради. Ҳозиргина бетон келтирган «Главташкенстрой» транспорт бошқармасига қарашли 2-автобазанинг ёш шофери В. Иброҳимов қурувчиларнинг аниқ ҳаракталарини диққат билан қизиқиб томоша қилар эди. Бетон келтириш учун яна йўлга чиқиш олдидан. Бахтиёр бригада бошлиғига мурожаат қилди:

— Ҳамид ака, бетонни неча соатдан кейин келтирай?

— Бетоннними, Бахтиёр, бизга бир соатдан кейин керак бўлади, — жавоб қайтаради Қорабоев. — Фақат кечикмагин, илтимос!

— Нима, кечиктириб келтирадиган пайтлари ҳам бўладими? — қизиқиб сўрадим мен.

— Йўқ, шикоят қила олмайман, — жавоб қайтарди бригадир. Бетонни бизга қоришма узелидан марказлашган тартиб билан келтиришади. Шунчаки, ёдида тутсин деб эслатиб қўйдим-да. Чунки, шу ўртада уни бошқа ерга бирор иш билан юборишлари ҳам мумкин.

— Бошқа материаллар ҳам ўз вақтида келтириладими?

— Ҳозир чакки эмас. Январь ойида бироз қийналдик. Планни атиги 101 процент бажардик. Биз бунга ўрганмаганмиз.

— Чиндан ҳам январь ойида қурилиш материаллари масаласи оғир бўлди,—суҳбатимизга қўшилди прораб Эльбрус Икаев, — Айниқса ёғоч ва металл бизни қийнаб қўйди. Февраль ойида эса материаллар вақтида келтирилди. Шунинг учун бригада планни 140 процент бажарди.

— Ҳамид Қорабоевич эшитишимизга қараганда яқинда сиз олмаоталик мусобақадош ҳамкасбларингизни қабул қилибсиз?

— Ҳа, меҳмонлар келишди. Олмаота уйсозлик комбинати монтажчилар бригадасининг бошлиғи, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери Ўроз Шақиевич Мукашев ўз бригадасининг икки аъзоси билан 1973 йилга қабул қилинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганини текшириш учун келган эди.

— Ким ғолиб чиқибди?

— Агарда планни бажариш нуқтаи назаридан қарасак бизнинг бригадамиз Мукашев коллективидан бир ой ўзиб кетибди. Биз планни 25 октябрда бажарган эдик, улар 20 ноябрда бажаришибди. Меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида эса олмаоталиклар биздан ўзиб кетишди.

Ўроз «Висотстрой» қурилиш тресты 17-қурилиш бошқармаси бунёд этаётган телемарказ қурилишида, бизнинг бригадамизда бўлди. Бошқа қурилишларни бориб кўрди. Биз уларга шаҳримизни, унинг диққатга сазовор жойларини кўрсатдик. Уларга В. И. Ленин Марказий музейининг филиали айниқса манзур бўлди. Бунга қадар мен икки марта Олмаотада бўлган эдим. «Рақибларимиз» жўнаб кетиши олдидан тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи 1974 йили бригадаларимиз олдида турган вазифаларни муҳокама қилдик, социалистик мусобақа тўғрисида шартнома туздик.

— Ҳамид Қорабоевич ўзингиз яхши биласиз бизда, совет кишиларида байрамларни меҳнат унумдорлигини ошириш, фақат планларнигина эмас социалистик мажбуриятларни ҳам ортиғи билан адо этиб кутиб олиш яхши анъанага айланган. Илтимос, Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллигига бригадангиз қандай совға тайёрлаётганлиги ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Социалистик мусобақа тўғрисидаги шартномада бригадамиз 1974 йилда меҳнат унумдорлигини олти процентга ошириш мажбуриятини олган. Бу соҳада биз ҳамкасбларимизни қувиб етиш, ҳатто ошиб кетишни мўлжаллаяпмиз. Меҳнат совғаси тўғрисида нима ҳам дердим, шартномада биз йиллик планни 15 декабргача бажарамиз деб ёзган эдик, аммо ҳозир ана шу ниятимиздан қайтиб 12 ойлик топшириқни республикамиз юбилейигача бажаришга қарор қилдик. Умуман олганда биз ана шу улкан байрам шарафига беш йилликни тўрт йилда бажаришга қарор қилганмиз. Сўзсиз, олмаоталик ҳамкасбларимиз билан беллашувда ғолиб чиқиш ниятидамиз. Албатта, бизнинг меҳнат беллашувимиз ҳар иккала коллективга ҳам фойдали бўлади.

П. СЕЛЕЗНЕВ.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ **КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев шу йил 18 мартда Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитетининг иккинчи секретари Р. Кастро Рус билан учрашди.**

Л. И. Брежнев билан Р. Кастро ўртоқлар ўртасида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Куба Коммунистик партияси, СССР билан Куба Республикаси ўртасидаги ҳар томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари юзасидан, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи бир қанча халқаро проблемалар юзасидан батафсил суҳбат бўлиб ўтди.

◆ Норвегия Бош министри Трюгве Браттели Совет ҳукуматининг таклифига биноан кеча расмий визит билан Москвага келди.

◆ **«Белгиловчи йил марралари» сарлавҳаси остида маҳаллий газеталарда Ўзбекистон ССР меҳнаткашларининг 1974 йилги социалистик мажбуриятлари берилган.**

ФУТБОЛ

«ПАХТАКОР» — «НЕФТЧИ» — 2:1.

Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари кеча СССР Кубоги учун 1/16 финалнинг такрорий беллашувида Бокунинг «Нефтчи» командаси устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Аммо икки ўйин натижаси бўйича ҳамшаҳарларимиз фахрли соврин учун курашдан чиқиб кетдилар (биринчи ўйинда меҳмонлар ўз майдонларида 3:0 ҳисобида ютган эдилар).

ЙИЛЛИК ПЛАН—МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Мажбуриятлар изидан

Октябрь райони *Чилонзор райони*

ҒАЙРАТГА—ҒАЙРАТ ҚЎШИБ

№№	Кўрсаткичлар	Октябрь райони		Чилонзор райони	
		1974 йил январь — февраль	1973 йил январь — февраль	1974 йил январь — февраль	1973 йил январь — февраль
1.	Маҳсулот реализацияси (процентларда)	102,3	101,1	101,5	100,3
2.	Пландан ташқари реализация (минг сўм ҳисобида)	488	213	205	27
3.	Реализация ҳажмининг ўсиши (процентларда)	109.8	107,5	118,7	115,7
4.	Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши (процентларда)	108,8	109,4	116,0	112,7
5.	Меҳнат унумдорлиги (процентларда)	101,9	103,3	98,1	101,7
6.	Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати (процентларда)	106,1	108,5	98,9	110,8
7.	Меҳнат унумдорлиги ҳисобига ишлаб чиқаришнинг ўсиши (процентларда).	71,6	92,5	—	66,1
8.	Таннархни арзонлаштиришдан келган фойда (минг сўм ҳисобида)	51	3 камомат	97	82 камомат
9.	Планни бажара олмаган корхоналар (корхоналар сони)	1	1	—	1
	а) маҳсулот реализацияси бўйича берилмаган (минг сўм ҳисобида)	2	134	—	218
	б) меҳнат унумдорлиги бўйича (корхоналар сони)	5	5	1	1
	в) таннарх бўйича (корхоналар сони)	5	5	—	3
	г) камоматга йўл қўйишди (минг сўм ҳисобида)	39	60	—	94
10.	Арзонлаштиришга эришган корхоналар:				
	а) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича (корхоналар сони)	6	3	—	—
	б) меҳнат унумдорлиги бўйича (корхоналар сони)	5	4	1	1
11.	Маданий-маиший маҳсулот ишлаб чиқариш (планга нисбатан процент ҳисобида).	98,8	93,2	101,2	72,8
12.	Маданий-маиший маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши (1973 йил билан солиштирганда) (процент ҳисобида).	110,6	119,8	158,7	117,7
13.	Капитал қурилиш (марказлашган молиявий манбалар) 1974 йилнинг январь ойидаги кўрсаткичлари)				
	а) планга нисбатан (процентларда)	52	40	30	64
	б) турар жой майдони ишга туширилди (минг квадрат метр ҳисобида)	—	—	—	—
14.	А. Девятова ва Л. Казанцева ташаббуси бўйича мусобақалашаётганлар сони	3,5 минг		1 мингдан зиёд	
15.	1975 йил ҳисобига меҳнат қилаётганлар сони	980		200 дан зиёд	
16.	Шахсий беш йиллик планини бажарганлар сони.	200		60	

Октябрь ва Чилонзор район меҳнаткашлари икки ойлик планни муваффақиятли адо этди. Октябрь районининг меҳнаткашлари 1974 йилга қабул қилган социалистик мажбуриятлари ҳисобига 488 минг сўм, чилонзорликлар эса, 205 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу икки ойи кўрсаткичига нисбатан бирмунча кўпдир. Чилонзор районида пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаришда катта ютуқлар кўзга ташланади.

Ўзаро мусобақадош районларда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда реализация қилиш ҳажми анча ўсди. Октябрь районида ишлаб чиқариш ҳажми асосан меҳнат унумдорлигини ошириш, ички резервларни ишга солиш ҳисобига оширилган бўлса, Чилонзор районида бундай ютуқларга янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш асосида эришилди Лекин бу иккала районда ҳам, меҳнат унумдорлигини ошириш кўрсаткичи анча паст. Бундай муҳим техник-иқтисодий кўрсаткич бўйича икки ойлик план 98,1 процент бажарилди холос. Айниқса, булка кондитер комбинати, заргарлик фабрикаси меҳнат унумдорлигини ошириш кўрсаткичи бўйича анча оқсаб қолди.

Октябрь районининг кўпгина корхоналари юқори меҳнат унумдорлигига эришган бўлса, баъзилари ундай техник-иқтисодий кўрсаткичга аҳамият бермади. Масалан, «Ташигрушка» фабрикаси, «Средазцветмет», полиграфкомбинат меҳнат унумдорлигини ўстиришга эришган бўлса, мебель ва ёғочни қайта ишлаш бошқармасининг тажриба-техника заводи икки ой ичида икки минг сўм камоматга йўл қўйди.

Кароват заводи, мебель ва ёғочни қайта ишлаш бошқармасининг тажриба-техника хўжалик буюмлари заводлари, 3-тикувчилик фабрикаси, «Сувенир» фабрикаси, 2-пиво заводи ва ТашГЭС меҳнат унумдорлигини ошириш ўрнига, аксинча уни пасайтириб юборишди.

Икки район ҳам ўтган йили январь ойига нисбатан хом ашёни тежаб-тергаб сарфлаш ҳисобига маҳсулот таннархини бирмунча камайтиришга эришди. Октябрь районида бешта ташкилот 39 минг сўм ошиқча харажатга йўл қўйди. Бу кескин муҳокама қилишга лойиқ масаладир.

Районларда А. Девятова, Л. Казанцева ташаббуси издошларининг сони тобора ортиб бормоқда. Меҳнат календарида 1975 йилни кутиб олувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Октябрь районида 200 га яқин, Чилонзор районида эса 60 киши беш йиллик топшириқларини муваффақиятли адо этди. Бу эса ишчиларни ўз меҳнатига ихлос қўйиб, бутун куч. ғайратлари билан меҳнат қилаётганидан далолат бериб турибди.

Қурувчиларда эса илғорликка интилиш ҳолларини кўрмаймиз. Улар икки ой давомида планни гоҳ 30, гоҳ 50 процент бажаришиб, ўзаро бошланган социалистик мусобақада оқсаб қолишмоқда.

Коммунистик меҳнат зарбдори Татьяна Агофонова шаҳримиздаги трикотаж фирмаси тўқув цехида кўп йиллардан буён тўқувчи бўлиб ишлайди. Ёш ишчиларга меҳр билан ўз тўқувчилик касбини ўргатиб келаётган бу илғор мураббий ишчи мунтазам равишда смена топшириқларини ортиғи билан бажаради.

СУРАТДА: Т. Агофонова.

ҲАР ИККИ ТОМОН УЧУН ФОЙДАЛИ

(Боши 1-бетда).

Унга Олмаотадаги уйсозлик комбинатининг, «Ҳурмат белгиси» ордени кавалери, монтажчилар бригадаси бошлиғи Ўраз Шакевич Мукашев билан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тошкентдаги «Висотстрой» трестидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамид Қорабоевич Қорабоев билан мусобақалашаётганлиги ёрқин мисол бўла олади. Яқинда бу бригададан уч киши ўз бошлиқлари билан бирга бориб, ўтган йилдаги мусобақага якун ясадилар. Бу мусобақа якунлари эса, қуйидагича: Қорабоев бригадаси беш йилликнинг учинчи йили топшириғини 25 октябрда, Мукашев бригадаси эса, 20 ноябрда бажарди. Лекин муддат бўйича тошкентликлар пешқадамликни қўлга киритган бўлсалар, меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича олмаоталиклар ғолиб чиқдилар. Дўстона, фойдали суҳбат бўлди. Унда бригада коллективлари илғор иш усулларини ўртоқлашдилар, бир-бирларига фойдали маслаҳатлар бердилар, беш йилликнинг тўртинчи йили учун янги шартнома туздилар.

— **Айтингчи, олмаоталиклар тошкентликларга қандай янгиликларни айтиб бердингиз?**

— Бизнинг Олмаотада пассажир ташишни ташкил этиш бўйича анчагина тажриба тўпланган. Шаҳарда марказий диспетчерлик хизмати анча муваффақиятли ишлаб, автобуслар ва таксомоторларнинг ишини тезкорлик билан координациялаб турибди. Ҳар бир таксига рация ўрнатилган, автобусларнинг барча ҳайдовчилари эса, сўнгги бекатларда диспетчерлар билан алоқа ўрнатишлари мумкин, сўнгги бекатларда машиналар ҳаракатини ҳисобга олиш бўйича телефонлаштирилган колонкалар монтаж қилинган. Агар маълум бир маршрутда пассажир кам бўлса, ҳайдовчилар манфаатини кўзлаб, бу ҳақда албатта диспетчерга хабар қилинади. У ўз навбатида бир нечта машинани олиб, пассажир кўп бўлган маршрутларга қўяди. Техника билан бундай жуда зўр маневр қилиш Олмаота автотрестига ўзларининг тошкентлик ҳамкасбларидан қуйидаги кўрсаткичлар: километраж, даромад, ҳар бир пассажир ўрни ҳисобига ишланаётган маблағ бўйича ўтиб кетиш имконини берди. Шу йил бошида Тошкент пассажир автотрести вакиллари бизнинг тажрибамизни ўрганиш учун келишганида, биз уларни марказий диспетчерлик хизмати фаолияти билан ҳар томонлама батафсил таништирдик. Улар ҳам ўз шаҳарларида худди шундай диспетчерлик хизмати ташкил этишга аҳд қилишди. Шундай қилиб десангиз, шаҳарларимиз ўртасидаги мусобақа ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлаяпти.

— **Лекин Олмаота ва Тошкент ўртасидаги меҳнат мусобақаси табиийки, фақатгина бир бригада, корхона доирасида ўз самарасини кўрсатибгина қолмаяпти, албатта...**

— Мутлақо тўғри. Шаҳарларимиздаги кўпгина коллективлар ўртасида юзага келган дўстлик ва ўртоқлик муҳити бутун шаҳар миқёсида сезиларли фойда келтиряпти. Яқиндагина шаҳримизга Тошкентнинг икки райони вакиллари келишди. Социалистик мусобақа бизга коммунистик қурилишда янги, янада салмоқли ютуқларни қўлга киритишимизга ёрдам беряпти.

Беш йилликнинг учинчи йили планларини бажарганлиги ва ошириб бажарганликлари учун шаҳарларимиз ишчиларининг катта отряди орден ва медаллар, шунингдек, «1973 йилдаги социалистик мусобақа ғолиби» нишони билан мукофотландилар. Олмаотадаги автомобиль транспорт бошқармаси 2572-автоколонна шофери Захар Сулаймонович Беспаевга, Олмаота шаҳар телефон тармоқлари бошқармаси пайвандчиси Константин Дмитриевич Вустинга, гўшт-консерва комбинати ишчиси Евдокия Ивановна Шаталовага Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг тўққизинчи беш йилликнинг белгиловчи тўртинчи йилида социалистик мусобақани авж олдириш ҳақидаги қарори шаҳримиз меҳнаткашларининг меҳнат активлигини ошириб юборди. Олмаоталиклар саноат ишлаб чиқариш планини 1974 йил 27 декабрда бажаришга қарор қилишди. Улар бу қарорларини амалий иш билан мустаҳкамлашаяпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ шаҳримизда мингга яқин ишлаб чиқариш илғори беш йиллик топшириғини бажариб, 1976 йил ҳисобига ишлаяпти.

Олмаота ва Тошкент ўртасидаги социалистик мусобақа кундан-кунга кенгаймоқда. Биз бу йилги меҳнат беллашувимизда ғолиб келиш учун барча куч ва имкониятларимизни ишга соламиз. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам икки томон ҳам ютқазмайди. Мусобақада ким ғолиб келмасин, бу барибир бизнинг умумий ишимиз, халқимиз, коммунистик қурилиш манфаатлари учун фойдали бўлади.

В. МОХНАЧЕВ.

Янгиликдан хабарингиз борми?

«ПЕДИАТР»-НИНГ ЯНГИ СОНИ

Ўрта Осиё педиатрия институти ташкил топганига атиги икки йил бўлди. Лекин бундай катта коллективнинг кундалик ҳаёти ажойиб воқеалар билан тўлиб-тошган. Кафедралар, клиникаларда, студентлар аудиторияларида, илмий ва спорт, жамоат ишларида, ётоқхоналарда қизғин ҳаёт ҳукм сурмоқда. Коллективдаги кундалик янгиликлар ва воқеаларни ўз саҳифаларида ёритиш, институт партия бюроси, ректорати ҳамда жамоатчилик ташкилотларига тарбиявий ишларда ёрдам бериш учун бу ерда кўп нусхали газета чиқаришни тақозо этди.

Шу йил 8 мартда Ўрта Осиё медицина педиатрия институтида «Педиатр» кўп нусхали газетасининг янги сони чиқа бошлади.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети газетанинг биринчи сони босилиб чиқиши муносабати билан редакция ходимларига табрик хати йўллади.

●Депутат ва ҳаёт

УНИНГ ҚАБУЛ КУНИ

ШАНБА. Дам олиш куни. Ҳамма ҳафталик унумли меҳнатдан сўнг, мириқиб ҳордиқ чиқариш тараддудида. Лекин, шаҳар Советининг депутати А. Ҳошимова сайловчилар ҳузурига чопади. Бугун унинг меҳнаткашларни қабул қиладиган куни. Депутат олдига турли тоифадаги кишилар келишади. Уларнинг характерлари ҳам ҳар хил. Бир хиллар дарров сени тушуна қолишади. Баъзилар аксинча. Ўзиникини маъқул қилиб туриб олади.

Депутат йўл-йўлакай ўтган қабул кунидаги бир воқеани эслади. Унинг ҳузурига ўрта бўйли қорачадан келган бир киши кириб келди.

— Кимга мурожаат қилишни ҳам тушунмай қолдим. Райижрокомдагилар ишхонага жўнатишади, улар эса райижрокомга. Хуллас, бир йилдан бери квартира ололмайман. Охири, сизга арз қилишга мажбур бўлдим, деди у тутоқиб.

О. Эшмуҳамедовнинг икки боласи ва қари отаонаси бор экан. Унинг ўз уй-жойи ҳам ёмон эмас. Лекин, хотини билан ота-онаси чиқишмас эмиш. Шунинг учун у квартира олиб кетмоқчи.

Депутат ўйланиб қолди. Очиғини айтганда, шикоятчидан кўнгли ранжиди. У ўз тинчлигини, оромини ўйлаяпти. Ҳозир унга болалари билан осойишта яшаши, фарзандлик бурчидан ҳам афзал кўриняпти. Балки, қариялардан ҳам ўтгандир. Лекин, барибир у фарзанд-ку. Кексайганда уларни ёлғиз қолдириш инсофданми? Депутат бу қайсар кишига шу ҳақда ётиги билан тушунтирмоқчи бўлди.

О. Эшмуҳамедов гапни илиб кетди.

— Менга қаранг, сиздан маслаҳат сўраб келганим йўқ. Ўзимни ақлим, эс-ҳушим бор. Насиҳатларни эшитавериб, қулоғим битган. Менга гапнинг пўст-калласини айтинг. Ёрдам бераоласизми, йўқми? — сўради у депутатдан.

— Ўйлашиб кўрайлик.

О. Эшмуҳамедовнинг «тарвузи қўлтиғидан тушди», шекилли эшикни тарақлатиб чиқиб кетди. Депутат хаёлга толди. Бу ишни шундай қолдириб бўлмайди. Шу бугун маҳалла активлари билан маслаҳатлашиб, О. Эшмуҳамедовнинг уйига бориш керак. Аҳвол билан яқиндан танишиб, уларга тушунтириш лозим. Депутат бу ҳақда ўз ён дафтарига қайд этар экан, эшик очилиб навбатдаги шикоятчи киришга рухсат сўради.

Депутат ўрнидан туриб, хонага кирган аёлни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Аёл ўзини таништиргач, ийманибгина деди;

— Бир илтимос билан келувдим!

Депутат «эшитаман», дегандек унга қаради.

— 4 ёш бола билан қийналиб кетдим. Уларни ўйлаб, ишхонада ҳам тинч ўтиролмайман. Агар иложи бўлса, кичигини боғчага жойлаштиришга ёрдам берсангиз?

М. Дадажонова оиласидаги аҳвол билан депутатни батафсил таништирди.

— Болангизни боғчага албатта жойлаштирамиз,— деди депутат охирида, — Келгуси ҳафта бу ҳақда сизга аниқ жавоб қиламан.

М. Дадажонова депутатга миннатдорчилик билдириб, унинг хонасидан чиқди. Шу куни депутат ҳузурига А. Исмоилова, Б. Каримова пенсионер ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари В. Воҳидов А. Дўстматовлар кириб, хурсанд бўлиб чиқишди. Депутат уларнинг ҳар бири билан самимий суҳбатлашди. Шикоятларини диққат билан тинглади. Уларга йўл-йўриқ кўрсатди, маслаҳат берди.

Кундуз соат 2 да қабул тугади. Бу гал А. Ҳошимова одатдагидек уйига эмас, балки О. Эшмуҳамедов оиласи тақдирини ўйлаб, маҳалла комитети ҳузурига йўл олди.

Биз юқорида депутат А. Ҳошимованинг иш фаолияти, унинг сайловчиларни қабул қилиши, бировлар тақдирини ўйлаб жон куйдириши ҳақида бир кичик лавҳани келтирдик, холос. А. Ҳошимова катта ҳаёт тажрибасига эга. У Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Совет халқининг фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонишида миллионлар қатори унинг ҳам улуши бор. Ҳозир А. Ҳошимова Тошкент чинни заводида ишлайди. Оддий қадоқ қўлли ишчидан завод касаба союз комитетининг раиси ва корхона партия ташкилоти секретари ўринбосари даражасигача кўтарилган. У ўзининг доно маслаҳатлари, оқилона иш юритиши билан коллектив ўртасида шуҳрат қозонган. Депутат ишчиларнинг чинакам жонкуяри. У ёшларга барча масалаларда ёрдамлашади. Улар билан тез-тез суҳбатлашиб туради.

А. Ҳошимова шаҳар Социалистик қонунчилик ва жамоат тартибини сақлаш доимий комиссиясининг аъзоси сифатида ҳам талай ишларни амалга ошираяпти.

...Шанба куни. Шаҳар кўчалари эрталабдан гавжум. Депутат сайловчилар қабулига шошади. Бугун уни қандай ишлар кутаяпти? Депутат ўтган учрашувдан сўнг. О. Эшмуҳамедов оиласидаги ўзаро келишмовчиликни ижобий ҳал этганини эслаб, енгил нафас олди.

С. ҲАСАНОВ.

ТАШАББУСКОРЛАР ҲАШАРДА

▲ 50 МИНГ КИШИ УМУМХАЛҚ ҲАШАРИГА ЧИҚДИ
▲ РАЙОН ЯНАДА ОБОД БУЛАДИ
▲ БУЛТУРГИДАН 30 МИНГ ТУП КУП
▲ АРИҚЛАРДАН ЗИЛОЛ СУВ ОҚАДИ.

РЕПОРТАЖ

Октябрь районидаги қурилиш ташкилотлари саноат корхоналари, ва муассасалар коллективларининг Тошкентнинг барча аҳолисига қарата мурожаати кенг қулоч ёймоқда. Тошкент шаҳар партия комитети томонидан маъқулланган бу мурожаатда ҳар бир ҳамшаҳаримизнинг қалб сўзлари ифода этилган.

Шанба куни ана шу ташаббускорлар районларини янада обод ва кўркам қилиш учун умумхалқ ҳашарига чиқишди. Бу йил 10 минг дарахт, 220 минг яшил тўсиқ ва 1 миллион 200 минг туп ранг-баранг гуллар ўтқазишга аҳд қилган район меҳнаткашларидан шу куни ҳашарда 50 минг киши иштирок этди.

Биз район ободонлаштириш бошқармасининг бошлиғи Комил Файзиев билан биргаликда ҳашарчилар ҳузурида бўлдик.

«Средазгипроцелинстрой» институти азаматлари «Ўзбекистон 50 йиллиги» проспектида жонбозлик билан меҳнат қилишяпти. Институт партия ташкилотининг секретари Константин Федорович Ни билан суҳбатлашамиз. У бугунги ҳашарда 500 киши иштирок этаётганлиги, улар асосан территорияларни тозалаш билан бирга, дарахтлар тагини юмшатиб, ариқчалар қазишаётганини айтди. Ана, Х. Усмонов, З. Собиров, А. Қодиров, Р. Розенберг ва институт комсомол

ташкилотининг секретари Ш. Волшин ҳамкасблари билан ариқ қазишяпти.

Уларнинг ёнида «Главсредазирсельхозстрой» хизматчилари ишлашяпти. Маҳаллий комитет раиси Георгий Александрович Кабилин ва меҳнатни ташкил этиш бўлими бошлиғи Т. Холиқуловлар билан суҳбатлашар эканмиз, улар 250 киши шанбаликда иштирок этаётганлигини айтишди.

ШАҲРИМИЗ ГУЗАЛ ВА КУРКАМ БУЛСИН

— Биз, — дейди Т. Холиқулов, — узунлиги 3,5 километр, эни 60 метр бўлган бу ўзига хос боғни чиқиндилардан тозалаяпмиз. Келгуси шанбаликда турли дарахтлар ўтқазамиз. Бу ерда бадиий буюмлар фабрикасининг 200 дан ортиқ ишчиси ҳам ишлаяпти. Шу корхонада бугунги кунда 2 мингдан ортиқ киши хизмат қилади. Улар ўз фабрикалари атрофини янада кўркам қилиш учун минг дона атир гул, 5 минг яшил тўсиқ, 800 туп мевали ва манзарали дарахт ўтқазишга аҳд қилишган. Биз билан суҳбатда фабрика партия ташкилотининг секретари Маҳкам Шоисломов, штаб бошлиғи С. Аҳмедов ва фабрика касаба союз комитетининг раиси Насибахон Убайдуллаева бу шанбаликда Зуҳра Турсунова, Карима Муҳаммедова, Назира Раҳимова каби попопчиқизлар дугоналарига ўрнак бўлишаётганлигини айтишди.

Абай проспектида Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ходимлари ишлашяпти. Биз яқиндагина фойдаланишга топширилган Аҳмад Дониш кўчаси бўйлаб юриб, Хадра томонга чиқар эканмиз, янги қурилаётган цирк атрофида 5 гектарлик янги боғ барпо қилинаётганлигини кўрдик. Бу, Пушкин номли боғнинг давоми бўлади. Ҳадемай бу ерга кўплаб мевали дарахтлар, ранг-баранг гуллар ўтқазилади.

Охунбобоев майдони янада кенгайтирилади. Бу ерда маҳалладан келган кўплаб вакиллар ва ободонлаштириш бошқармаси ишчилари меҳнат қилишяпти. Ўтган йили ана шу майдонга 500 дарахт ўтқазилган бўлса, бу йил 1,5 минг туп атиргул экилади. Беруний проспекти бўйлаб Улуғбек кўчасига чиқамиз. Бу ерда райондаги мактаб ўқувчилари кўчаларини тозалаб, хиёбондаги чиқиндиларни бир ерга тўплаб, ташиб кетиш учун тахт қилиб қўйишибди. Уйғур кўчасидан ўтар эканмиз ободонлаштириш бошқармасига қарашли фаррошлар кўча супуришаётганлигини кўрдик.

2512-автобаза ишчилари ишхоналари ён атрофини кўкаламзорлаштириш борасида тинмай меҳнат қилишяпти. Бугунги шанбаликда улар ўтган йили ўтқазилган дарахтлар тагини юмшатиб, ариқ қазиш билан бирга, яна бир қанча мевали дарахт, ўтқазишмоқчи. «Дилкаш» боғи 2,5 гектар ерни ташкил қилади. 192-мактаб ўқувчилари оталиққа олган бу боғда бугун мактаб ўқувчиларининг қўли-қўлига тегмайди.

«Бешқайрағоч» маҳалласидамиз. Бу ерда 720 хўжалик истиқомат қилади. Улар ҳам районларидаги 96 маҳалла қатори бугун умумхалқ ҳашарига чиқишган.

Бу йил Тошкент халқа йўлига 50 минг туп кўчат ўтқазилади. Район ободонлаштириш бошқармаси бугунги кунда ана шу кўчатларни ўтқазишга ҳозирлик кўриб, ариқчалар қазиш билан бирга участка бошлиғи Одилжон Шарипов бошчилигида сув қудуқларини тозалаяпти.

Районда дарахт ва гулларни сув билан таъминлаб турувчи 320 та пуркагич фонтанчалар мавжуд. Бу йил уларнинг сони яна 100 тага кўпайтирилади. Шанба куни ўтказилган умумхалқ ҳашарида 190 минг погон метр катта ва кичик ҳажмдаги ариқлар тозаланди.

«5 декабрь» проспекти Ўзбекистон ССР ва Республика Компартиясининг ярим асрлик тўйига район меҳнаткашларининг яхши туҳфаси бўлади. 1.5 километр узунликдаги бу проспектда бульдозерчи М. Ҳасанов, автогрейдерчи, К. Аванесов иштирокида метро қурилишидан чиқариб ташланаётган тупроқ текисланмоқда.

Шанба куни ўтказилган умумхалқ ҳашарида онкология ва рентгенология илмий-текшириш институти, Ленин номли хотин-қизлар педагогика билим юрти ва шу каби кўплаб корхоналар, транспорт, алоқа, маиший-хизмат, ўқув юртлари коллективлари иштирок этди. Район территорияси чиқиндилардан тозаланди, 14 минг мевали ва манзарали дарахт, 22 минг яшил тўсиқ ўтказилди. Октябрликлар келаси шанбаликларда ҳам актив иштирок этиш, районларини янада кўркам ва обод қилиш ниятидалар.

Р. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
махсус мухбиримиз.

СУРАТЛАРДА: **«5 декабрь» проспектида ишлар қизғин; «Средазгипроцелинстрой» институти меҳнаткашлари «Ўзбекистон 50 йиллиги» проспектида ўтказилаётган ҳашарда.**

М. Нуриддинов фотолари.

Аълочи студентлар слёти

Тошкент халқ хўжалик институти студентлари Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 50 йиллик юбилейига муносиб совғалар тайёрлашга аҳд қилишган. Улар ўқишда доим аълочи бўлиш, турли фанларни атрофлича эгаллаш, кўпгина мавзуларда илмий ишлар яратиш, 3-меҳнат семестрида актив қатнашиш мақсадида катта режалар тузишган.

Кеча

Олий ўқув юртида бошланган аълочи студентларнинг икки кунлик слёти республика юбилейига бағишланган тадбирлардан бири бўлди.

Слётда институт проректори Х. М. Муратов, доцент Э. А. Акрамов, комсомол комитети секретари Х. Ҳакимов, 3-курс студенти Ш. Маматқулов ва бошқалар аълочи ўқувчилар ва иқтисодий билимларни ошириш ҳақида қизиқарли докладлар қилдилар.

Институтда тўрт мингдан зиёд йигит ва қиз таълим олмоқда. Уларнинг кўпчилиги ўқув йилининг биринчи ярми бўйича имтиҳонларни муваффақиятли топширмоқда. Дастлабки маълумотларга қараганда, 250 га яқин студент институт бўйича аълочи деб тан олинди.

Олий ўқув юртининг ёшлари юбилей йилида бир қатор илмий-назарий конференциялар ўтказиш билан бирга, ёзги каникул пайтида бинокорларга яқиндан ёрдам бериш истагини билдирдилар. Комсомол комитети ташаббуси билан тузилган қурувчи студентлар отрядига 800 га яқин йигит ва қиз жалб қилинди. Улар «Главташкентстрой» объектларида, Тошкент областида бунёд қилинаётган катта иншоотларда ва Олтой ўлкасидаги қурилишларда қатнашиш истагини билдирдилар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг электроника институти илм аҳли кенг кўламда илмий тадқиқот ишлари олиб бориб, халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган катта илмий масалаларни ҳал қилмоқда.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) газ электроникаси лабораториясининг бошлиғи, физика-математика фанлари кандидати Раҳмон Раҳимов (ўнгда) ва лабораториянинг катта инженери Шуҳрат Ражабов ўртоқлар лаборатория тажрибаси ўтказиш пайтида.

М. Нуриддинов фотоси.

Копейскдан хат

Қардош шаҳарлар дўстлиги

Мамлакатимизда қаҳрамон шаҳарлар бор, уларнинг фашизмга қарши жангдаги жасорати Олтин Юлдуз билан тақдирланган.

Шу билан бирга меҳнат жасорати Ватаннинг олий мукофотлари билан тақдирланган шаҳарлар ҳам бор. Лекин Совет Иттифоқида олтита шаҳар борки, уларнинг байроғида жанговар мукофот — Қизил Байроқ ордени порлаб турибди. Бу орденлар Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида берилган. Улар қуйидаги шаҳарлардир: Ленинград, Грозний, Волгоград, Тошкент, Ворошиловград, Копейск.

Ленинград 1919 йилда 5 декабрда Юденичнинг оқ гвардиячилар бандасини тор-мор қилганлиги учун, Грозний 1924 йил 26 февралда шаҳарда контрреволюцион оқ казакларнинг исёни бостирилганлиги учун, Волгоград 1924 йил 14 апрелда гражданлар уруши тарихига Царицин мудофааси номи билан кирган оқ гвардиячиларга қарши революцион жанг учун, Тошкент мардлик ва қаҳрамонлиги, ички ва ташқи контрреволюцияни тор-мор қилишга қўшган катта ҳиссаси, Ворошиловград 1924 йил 16 майда 1917—20 йилларда пролетар революциясини контрреволюцион ҳужумлардан ҳимоя қилганлиги учун, Копейск 1925 йил 2 январда 1919 йилда Челябинск шаҳрини озод қилишда шахтёрлар Қизил Армияга ёрдам берганлиги учун Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган.

Бу шаҳарлар ўртасида мустаҳкам қардошлик алоқалари юзага келди. Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги нишонланган йилда Копейскда Қизил байроқли шаҳарлар ёшларининг биринчи слёти бўлди. Бу ҳуқуқ ёшларга берилганлиги бежиз эмас. Ахир ўз шаҳарларининг жанговар революцион шуҳратини яратганларнинг кўпчилиги ёшлар эди. Слётга Ленинград шаҳар Советининг ёш депутати Нина Денисова, Тошкент шаҳар комсомол комитетининг секретари Григорий Стешенко, тошкентлик қурувчи Неъмат Ваҳобов, Грозний комсомол комитетининг секретари Павел Громов, Ворошиловграддаги заводлардан бирининг комсомол комитети секретари Николай Яковлев ва бошқалар келишди.

Слёт қатнашчилари шаҳарнинг жанговар ўтмиши, шу кунги ҳаёти, копейскликларнинг турмуши билан танишдилар, корхоналарда, муассасаларда, мактабларда бўлдилар. Айниқса 3-мактаб — интернат болалари билан ҳаяжонли учрашув бўлди. Бу учрашувдан хотира сифатида Қизил байроқли шаҳарлар дўстлиги ҳиёбони барпо қилинди. Меҳмонларимиз қаерда бўлишмасин, ҳамма жойда ўз шаҳарлари ҳақида, оталар ва боболарнинг шонли анъаналари қандай давом эттирилаётганлиги ҳақида гапириб бердилар, қардош шаҳарлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга чақирдилар. Бу алоқалар ҳақиқатда ҳам йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораяпти.

Ленин комсомолининг 50 йиллиги йилида Грозний шаҳрида Қизил байроқли шаҳарлар вакилларининг слёти бўлиб ўтди. Копейскликлар делегациясига шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Б. Д. Лунев бошчилик қилди.

Яна меҳнат коллективларида учрашувлар, шаҳар билан танишиш, митинг бўлди. Унинг қатнашчилари бир овоздан: «Дўстлик! Дўстлик! Дўстлик!» деб ҳайқиришди. Ленин юбилейи йилида улкан қурилиш майдонига айланган Тошкент шаҳридан ўзбек комсомолининг самимий табригини олдик. «Биз шаҳримиз қурилишига қалб амри билан келган ёш копейскликларга чуқур миннатдорчилик билдирамиз», —деб ёзишганди тошкентликлар. Тошкент қурувчилари учун «Янги Тошкентни Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги заминида қурамиз» деган сўзлар шиор бўлиб қолди.

СССРнинг олтин юбилейи арафасида область ва шаҳар газеталарида гражданлар урушининг қаҳрамон шаҳарлари перекличкаси бошланди. «Вечерний Ленинград», «Тошкент оқшоми», «Грозненский рабочий», «Ворошиловградский правда» газеталари ўз ўқувчиларини Копейск ҳаёти билан таништирди. Ўз навбатида «Копейский рабочий» ўз саҳифаларида бу шаҳарлар ҳақида материаллар берди. «Вечерний Ленинград» газетаси «Уралда шундай шаҳар бор» мақоласида қуйидагиларни ёзганди: «Копейск шундай яшайди. Мамлакатимизнинг улкан харитасидаги кичкинагина нуқта бўлган шаҳар ўтмишнинг жанговар ва меҳнат анъаналарини муқаддас сақлаб, уни ҳар куни, ҳар соат бойитмоқда.

Ҳа, анъаналар эскимайди. У бизга Совет ҳокимияти учун курашнинг, фашизмга қарши жангнинг нафасини олиб келади.

Ҳар йили қизил партизанлар майдонида-меъмориал ансамбл қурилган ва мармарга Революцион ҳарбий кенгашнинг Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш ҳақидаги оташин сўзлари зарҳал ҳарфлар билан ёзилган жойда копейскликлар ўз ўғилларини ҳарбий хизматга кузатишади. Бу ерда ҳарбий хизматга чақирилганлар оталари ва оналарининг наказларини олишади, Ватанни кўз-қорачиғидек сақлашга қасамёд қилишади, шу ерда она ер тупроғидан бир сиқим олиб, ҳарбий хизматга жўнашади.

Совет Армияси бўлинмаларидан шаҳримизга бизнинг ёш ҳамшаҳарларимиз ҳарбий хизматни ҳалол ўтаётганлиги, замонавий ҳарбий техникани маҳорат билан эгаллаётганликлари, Қизил байроқли Копейск анъаналарини муқаддас билаётганликлари ҳақида хабарлар келиб туради.

Анъаналар эскимайди... Улар бугунги кунда партия кўрсатмаларини амалга ошириш учун курашиб, пландан ташқари эшелон-эшелон кўмир қазиётганлар, янги машиналар яратаётганлар, корхоналар ва турар жойлар қураётганлар, эртанги нурли келажак йўлида, тинчлик ва фаровонлик йўлида меҳнат қилаётганлар ишида бойимоқда.

Шу йил 14 апрелда Тошкент шаҳри Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлигига 50 йил тўлади. Келаси йил бошида эса, бу шонли санани Копейск ҳам нишонлайди. Қардошларнинг янги учрашувлари бўлади. Кўп миллат совет халқлари оиласининг вакиллари, гражданлар урушининг қаҳрамон шаҳарлари бўлган шаҳарларимиз ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланаверсин.

Л. КОЗЛОВ,
Меҳнаткашлар депутатлари Копейск шаҳар Советининг депутати.

Китоб жавони

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти «КПСС аграр сиёсати масалалари ва Қозоғистон қўриқ ерларини ўзлаштириш» деган ном билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқлари ва докладлари тўпламини ўзбек тилида нашр этди.

Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирила бошланганлигининг 20 йиллиги муносабати билан тайёрланган бу тўпламга ўртоқ Л. И. Брежневнинг партиянинг қишлоқдаги сиёсатига, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларига бағишлаб ўртоқ Л. И. Брежнев 1954 йилдан 1973 йилгача бўлган давр мобайнида қилган докладлари ва сўзлаган нутқлари киритилган.

(ЎзТАГ).

ҚОЗОҚ ТИЛИДА

Машҳур француз ёзувчиси Поль Элюарнинг танланган шеърлар тўплами «Буюк шоирлар кутубхонасига» киритилди. Бу кутубхонани Олмаотадаги «Жазуши» нашриёти қозоқ тилида нашр этади.

Сўнгги йилларда Олмаотада бир қанча француз авторларининг, шу жумладан Жюль Верн, Шарль Перро, Эжен Потье асарлари қозоқ тилига таржима қилиниб, кўп нусхада чоп этилди.

(ТАСС мухбири).

Жаҳон ойнаси

ЧИЛИ ВАТАНПАРВАРЛАРИ ОЗОД ҚИЛИНСИН

ПРАГА. Биз Чехословакиядаги антифашист қаршилик ҳаракати қатнашчилари номидан Чилидаги эркин фикр юритувчи ва прогрессив кишиларга нисбатан ҳарбий хунта авж олдирган террорга қарши қатъий норозилик билдирамиз, дейилади Чехословакия Антифашист курашчилари союзи Марказий Комитетининг БМТ бош секретари К. Вальдхаймга йўллаган мактубида.

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикаси парламент группасининг аъзолари Чили Компартиясининг бош секретари Луис Корвалан ва чилилик бошқа ватанпарварлар озод қилинишини, қамоқ лагерларининг тугатилишини ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳурмат қилинишини талаб этдилар.

(ТАСС).

СССРнинг ЁРДАМИ

АДДИС—АБЕБА. (ТАСС). Эфиопияда қурғоқчиликдан зарар кўрган районларнинг аҳолисига ёрдам кўрсатиш олий комиссари Шимелис Адуньяь холисона ва ўз вақтида берилган ёрдам учун СССР Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари иттифоқига самимий ташаккур изҳор қилди.

СССР Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари иттифоқи қурғоқчиликдан зарар кўрган Эфиопия аҳолисига дори-дармон, қуруқ сут ва болалар учун озиқ-овқатлар, шунингдек биринчи навбатда зарур бўлган бошқа нарсаларни ҳадя қилди.

Пландан ташқари кўмир

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Жиу водийсидаги кўмир ҳавзаси шахтёрлари йил бошидан бери пландан ташқари 25 минг тоннадан ортиқ кўмир қазиб олдилар. Бунга меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, кўмир қазиб олиш ва уни ташиш технологиясидан рационал фойдаланиш ҳисобига эришилди.

Руминия фашистлар зулмидан озод қилинганлигининг 30 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақада шу мусобақанинг ташаббускорлари — «Вулкан» шахтасининг кончилари биринчи ўринда боришмоқда. Улар йил бошида пландан ташқари кўмир қазиб олиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича конкрет мажбуриятлар қабул қилишган эди. Шахтёрлар берган ваъдаларини шараф билан бажармоқдалар. Коллектив йилнинг дастлабки ойларида пландан ташқари 10 минг тонна кўмир қазиб олди, меҳнат унумдорлигини анча оширди, кўмир қазишни тезлаштирди.



Франциянинг Атлантика қирғоғида жойлашган шаҳри Морлени кейинги юз йилда яқинда бўлгандагидек сувбосмаганди. Бу табиий фалокат қаттиқ жала ва кучли шамол натижасида юз берди. Шаҳар кўчалари сув билан қопланди, айрим жойларда унинг сатҳи ярим метрга етди.

Ҳамма ҳаракат тўхтаб, кўпгина бинолар сув остида қолди. Шаҳар аҳолисининг бир қисми кўчирилди.

СУРАТДА: шаҳарнинг сув босган кўчалари.

Кейстон — ТАСС фотоси.

РЕАКЦИЯНИНГ КИРДИКОРЛАРИГА ҚАРШИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС мухбири). Мамлакатнинг миллий бирлигига путур етказишга уринаётган реакцион ўнг партиялар ва ташкилотларнинг кирдикорларига қарши бутун Ҳиндистонда норозилик авж олмоқда. Ҳиндистон бош министри Индира Ганди, ҳукмрон Ҳиндистон Миллий конгресс партиясининг раиси Ш. Д. Шарма ўта ўнг «Шив сена» ташкилотининг фаолиятини бир неча марта кескин қоралаб чиқдилар. Бу ташкилот кейинги вақтларда мамлакатда диний—жамоавий низоларни кучайтиришга уринмоқда.

Ҳиндистон Компартияси Марказий Ижроия Комитети «Шив сена» ташкилотини дарҳол тугатишни, унинг ҳарбийлашган отрядларини тарқатиб юборишни талаб қилди. Ҳиндистон Компартияси Марказий Ижроия Комитети ўзининг бу ерда эълон қилган махсус резолюциясида майда миллатлар вакилларига жумладан Мусулмонларга, шунингдек «даҳлсиз» табақаларга нисбатан атайлаб [illegible] уюштирган «Шив сена»нинг кўпорувчилик ҳаракатларига лаънатлар айтди.

«Кейинги вақтларда бўлиб ўтган воқеалар, — дейилади резолюцияда, — «Шив сена» прогрессив кучларга ҳужум уюштириш, ёшларда шовинистик кайфиятларни атайлаб [illegible] учун монополистик доиралар бераётган садақага кун кечираётган ярим фашист ташкилот эканлигини жуда яққол кўрсатди».

Ҳарбий харажатлар кўпайтирилмоқда

ТОКИО. (ТАСС). Япония парламентининг вакиллар палатаси 1 апрелда бошланадиган 1974 молия йили бюджет лойиҳасини бугун маъқуллади. Бюджетнинг умумий миқдори ўтган йилдагидан қарийб 20 процент ортиқдир. Янги бюджетда ижтимоий ишларга ажратиб бериладиган маблағлар ўтган йилдагига нисбатан анча ошганига қарамай, ҳарбий харажатлар [illegible] 17 процент ортади. Бу Япониянинг урушдан кейинги тарихида энг юқори кўрсаткич бўлиб, у 1.000 миллиард иенадан кўпроқ бўлади.

Бюджет лойиҳаси энди юқори палата муҳокамасига ҳавола қилинади.

Покистонда ер ислоҳотининг икки йиллиги

ИСЛОМОБОД. (ТАСС). 1972 йил март ойи бошларида Покистон ҳукумати эълон қилган ер ислоҳоти муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Бу ерда эълон қилинган [illegible] қараганда, ўтган икки йил ичида [illegible] барча помешчик ерларининг 43 проценти ерсиз [illegible] ўртасида тақсимланган [illegible] ўтган.

1800 дан кўпроқ помешчикдан 787 минг акр ер ҳақ тўланмай тортиб олинди. Ерларнинг [illegible] деҳқонларнинг [illegible] мулкига айланади. Панжоб, Синд, Ғарби—шимолий чегара вилоятида ва Белуджистонда помешчикларнинг энг кўп [illegible] Покистон бош министри З. А. Бхутто ўз нутқларидан бирида таъкидлаб ўтганидек, ер ислоҳотидан кузатилган мақсад Покистон қишлоқларида феодал муносабатларга барҳам бериш [illegible]

Ер ислоҳоти арафасида ишланадиган ерларнинг фақат учдан бир қисми деҳқонлар қўлида эди. Қолган ерларни улар помешчиклардан оғир шартлар билан ижарага олар эдилар.

Қора карвон

РОМАНДАН ПАРЧА

Қилич ҚУЛИЕВ

ТАЖРИБА орттирилди, обрў эътибор ҳам жойида... Қийинчиликлар ортда қолгани учун ишга бўлган майл, истак ошиши керак эди. Аммо акси бўляпти: мени тез-тез нохуш фикрлар чулғаб оляпти. Тўсатдан дайди ўқ ёки беморлик қулатиб, жонажон еримдан олисда, жоҳиллар ёнида бу фоний дунё билан абадиятга хайрлашсама?.. На ному нишон, на шон-шуҳрат қолади. Бир неча кундан сўнг ўзинг ҳам, интилишларингни ҳам ҳатто ресторандаги ярим яланғоч раққосаланда тезроқ унутиб юборишади. Улар вафот этганда газетада суратлари босилади, оммани ҳайратга солган чиройлари хотирга олинади. Сенчи... Исмингни ҳам аташмайди, дунёдан ҳам ҳаётдагидек нишонсиз ўтасан. Ҳатто тобутда ётганингда ҳам сени шубҳа, эҳтиёткорлик, қўрқув тарк этмайди...

Аччиқ ўйлар хаёлимни тобора кўпроқ қамрай бошлади. Аммо нимагадир уларни қувгим келмасди. Ўйлагим, хотирлагим келар эди. Яқинда бўлиб ўтган воқеаларни эмас, балки узоқ ўтмишни. Онамни хотирладим, хотиним Мэри ҳамда ўғлим Альфред кўз олдимга келди... Йил бошида уларни бу ердан узоқроққа, Деҳлидан Австралияга жўнатган эдим. У ерда, Сиднейда ўзига тўқ фермер амаким туради. Унинг шундоққина океан қирғоғидаги боғида ўтирганингда бу дунёнинг бутун ғам-ташвишларини унутиб, онадан янги туғилгандай бўласан. Қани эди ҳозир жилла бўлмаса бир ойгина ўша ерда дам олсам! Мэри, Альфред, онам... Улар у ерда менга илҳақ бўлиб ўтиришипти, мен эса бу кимсасиз жойларда, қумликларда ўлимимни қидириб санқиб юрибман...

Ёқубнинг қаттиқ кулгиси мени оғир хаёлдан уйғотди. Мен аланг-жаланг атрофга боқдим. Туялар бирдай қўнғироқларини жаранглатиб илгарилар эди. Қумлик, қумлик, иссиқ...

Капитан ҳам қаттиқ кулди. Аммо менинг кулгига тоб-тоқатим ҳам йўқ, бошим ёрилгудай қаттиқроқ оғриётган эди...

Яна йўл... Яна тоғлар, қоялар, саҳро, қум... Узоқ йўлда кутилмаган учрашувлар, хаёлга келмайдиган воқеалар бўлиб ўтади. Ҳаммасини айтиб адо қилиб бўлмайди! Аммо Мен Майман билан Андхо оралиғида бўлган воқеани айтиб бермоқчиман. Биз туркманлар яшайдиган жуда кўп жойлардан ўтдик. Қийинчиликсиз, шовқинсиз, кутганимиздан зиёда осойишталик билан ўтдик. Кейинчалик билсам бу тасодиф эмас экан. Ҳар бир уруғ-аймоқ тупроғида Ёқубнинг ўз ҳимоячилари бор экан. Улар карвонни олдиндан кутиб олиб, қуролли қўриқчилар билан ўз тупроқлари чегарасигача кузатиб қўйишаркан. Ёқуб, албатта «ҳимоячиларини» сахийлик билан сийлаб, газлама, қанд, чой берар, баъзиларини эса ҳатто қурол билан ҳам таъминлар экан. Қўллар Абдурраҳмонни ҳам танир экан. Худди шу ерда Абдурраҳмон қанчалик узоқларга томир отганини сездим, яна бир марта тасанно айтишдан бўлак иложим йўқ эди.

—Яшавор шоввоз!

Шундай қилиб, биз Маймандан анча нари кетган эдик. Кўчма, мисдай қизиган қумларни босиб борар эдик. Қайси томонга қарасанг—қуёш жизғинагини чиқарган саҳро. Атрофда бир туп дарахт кўринмайди, қуриб шохларигина қолган буталар. Ҳайрият кейинги кунларда иссиқ бироз бўшашди, шамол шимолдан эсиб, куз дарагини келтирди.

Пешинда Эрнепесбой қишлоғига етиб келдик. Қишлоққа етай деганимизда манзара кескин ўзгарди: тошлоқ чўл тугаб, ишланган ерлар бошланди. Сувда қанчалик қудратли куч борлигига қаранг! Шарқда ҳосилни ер эмас, сув яратади, деб бежиз айтишмаган. Сув бор ерда ҳаёт ҳам бор. Сув тугаган ерда—ҳаёт ҳам тугайди.

Йўл қишлоқни иккига бўлиб, унинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган эди. У бошқа қишлоқлардан сира фарқ қилмас эди: ўша-ўша қийшайган кулбалар, ўхшовсиз пахса уйлар ва чайлалар... Қўй қўралари, мол учун ертўлалар, тандир ва ўчоқлар... Биз ўнлаб туркман овулларидан ўтдик. Улардан биронтасида ғиштин ҳовли, савдо дўконлари ёки чойхоналарни кўрмадик. Ҳамма ерда аламли, авлод-аждодлар кўниккан ва келажакка мерос қолдирган бир хилдаги сира ўзгармас оғир ҳаёт.

Одатда бошқа қишлоқларга кириб борганимизда бизга одамлар шовқин-сурон солиб пешвоз чиқишар, карвонни тантана билан кутиб олишарди. Аммо бу қишлоқда бизни ҳеч ким кутиб олмади, Эрнепесбой ҳовлисида ҳам одам йўқ. Бутун вужудини ҳассага суяб турган кампир овулдаги бари одамлар баланд бархан ортидаги пастликка тўпланганини бир амаллаб тушунтирди. Биз барибир бу ерда тўхтамоқчи эмас эдик. Вақт эрта, кун бўйи ҳали анчагина йўл босса бўларди. Шунинг учун тўхтамай, йўлимизда давом этдик.

Қишлоқ ортида жанубдан шимол томон улкан бархан ястаниб ётар эди. Бу ерда, афтидан бир вақтлар қалъа бўлганга ўхшарди: ҳар икки томонда зиналар, бир-икки жойда ҳатто бузилган деворлар ва эски минора вайроналари сақланиб қолган эди.

Барханга яқинлашгач, бу ерда аллақандай тантана бўлаётганини пайқадик. Бархан устида қизил ва яшил кўйлак кийиб олган жуда кўп хотин-халаж ва болалар тўпланган эди. Улар чордона қуриб, бир-бирларига жуда зич ўтириб олишиб, ниманидир кузатишардилар. Туяларимиз бўйнидаги қўнғироқ овозлари ҳам уларнинг диққатини бўлмади.

Биз уч отлиқ барханнинг устига чиқдик. Пастда жуда катта майдонда пахмайган телпаклар кўзга ташланарди. Оқ, қора, малларанг. Бизга орқаси билан доира ясаб турган одамлар унча баланд бўлмаган тепаликда тикилган чодир атрофини ўраб олишган. Чодир атрофида қулоқни қоматга келтирувчи тўс-тўполон, икки-уч жойда тутун бурқсир эди.

Биз карвонга тўхтатмай кетаверишни буюриб, ўзимиз чодирга яқинлашдик. Улоқ бўлаётган экан. Улоқ ўтказилаётган давра ичида думлари ўрилган, қулоқлари қайчидай жуда кўп от турарди. Биров терлаган отини силаб-сийпар, биров тулпорини секин четга олиб чиқаётган, бошқа биров чодир олдида чопишга шайланиб, команда кутар эди.

Эрнепесбой бизни қувонч билан кутиб олди, чодирга бошлаб бориб, оқсоқоллар билан таништирди. Бир зумда дастурхон ёзиб, чой ва егулик қўйилди. Кўп ўтмай узун соқолли, ягриндор, чорпахил жарчининг баланд овози янгради:

—Ҳў—ҳўй! Олти давра чопадиган отлар ўртага тушсин, э-эй! Совринига—бир туя, э-эй! Тўқими жарчидан, э-эй! Тез шайланинг, э-эй!

Эрнепес ғолибни тақдирлашга ўзи туя тикканини, узоқ чопишда ҳали унинг Йилдирим исмли айғиридан ҳеч кимнинг оти ўзмаганини фахр билан гапирди.

— Бой шунинг учун туя тикди. Уни ўзи олишини билади, —деди ўтирганлардан бири киноя билан илжайиб.

Бўйни калтагина, сийрак соқолли бир чол қатъий гапирди:

— Бу гал Эрнепесбой тиккан туясини ололмайди!

Эрнепесбой ҳалиги кишига ўша заҳоти жавоб қайтарди:

— Агар отинг ўзиб кетса, Уразбой, мен яна битта туя қўшиб бераман.

— Қилолмайдиган ишга ваъда берма.

— Нега қилолмас эканман? Кел, келишиб олайлик: агар отинг ўзса, мен сенга иккита туя бераман. Аммо ортда қолса... Ортда қолса, сен битта туяни хў ана у жарчига берасан. Розимисан.

— Қўлингни бер! — Уразбой иккиланмай рози бўлди. — Одамлар! Шоҳид бўлинглар... Жарчини чақиринглар. У бу ҳақда ҳаммани хабардор қилсин!

Олағовур бошланди. Жарчини чақиришди. Эрнепесбой унга гаров шартини тушунтирди. Бечора жарчи шунақа хурсанд бўлиб кетдики, икки қўлини кўкка кўтариб, худога нола қилди:

— Э худо! Менга ҳам марҳамат қўлини чўз! Оҳ эгам! Марҳаматингни аяма? Пилдиримга Рахшнинг[1] кучини ато қил!

Атрофдагилар кулиб юборишди.

Ёқуб шусиз ҳам аланга олиб турган ўт устига мой қўйди.

— Биринчи бўлиб марраға етганга мендан қўшотар!

Ҳаяжонланиш янада кучайди.

Туркманлар отни жуда қадрлашларини билар эдим. От улар учун фақат миниб юрадиган уловгина бўлиб эмас, балки фахр ва ғурурлари, жасорат ва мардликни синаш воситаси ҳамдир. От минолмаслик — туркман учун — шармандалик. Борди-ю, от улоқда ортда қолса, унинг эгасигина эмас, бутун қишлоқ, уруғ-аймоқ ўзини ҳақоратланган санайди, ўч олиш пайига тушади. Шунинг учун ҳам бугунги гаров мен учун янгилик эмас эди. Аслида бу оддий гаров бўлмай, балки яширинча ўзаро душманликнинг кўриниши эди. Уразбой жуда олис йўлдан ўзининг уруғ-аймоқлари билан келган. Эрнепесбойнинг овозини ўчириш учун келган. Улардан бири Эрсариларнинг номи кетган раҳбари, бошқаси-иззатталаб тўра сарикларнинг бошлиғи. Улардан қайбири ғолиб чиқишини кўрамиз.

Каттагина соврин қўйилганига қарамай, улоқда бор-йўғи уч от қатнашди. Уч айғир. Бири пешонаси қашқа қора. Узоқдан жуда чиройли кўринар эди. Айғир жон-жаҳди билан кумуш суви югуртирилган сувлиқини кемирар, туёқлари билан ер тимдалаб, бир жойда турмас эди. Бу — Эрнепесбойнинг оти — Йилдирим эди. Иккинчиси катта, бўйни узун кулранг айғир эди. У рақибига ўхшаб туёқлари билан ер тимдаламас, сувлиқни ғажимай, осойишта турарди. Аҳён-аҳёнда у фақат бошини кўтариб, қулоқларини диккайтирар эди. Бу — Уразбойнинг оти — Меликуш. Учинчиси — жийрон от бўлиб, ҳар жиҳатдан Йилдиримга жуда ўхшаб кетар эди.

Отлар тўрт даврани шошилмай, баробар юриб ўтишди. Кураш бешинчи даврадан бошланди: Жийрон от бирдан олдинга отилиб чиқиб, қолган отларни анча ортда қолдирди. Томошабинларнинг жазаваси тутди, шовқин—сурон кўпая бошлади. Мен отлардан кўра кўпроқ Эрнепесбой билан Уразбойларни кузатиб турдим. Ҳар иккалаларининг юзларидан юраклари така-пука бўлиб тургани сезилар. Уразбой ўзини айниқса тутолмаётган эди. У бутун вужуди билан титрар эди. Улоққа ҳам тинч қарай олмас, баъзан бошини кўтариб, чопаётган отларга бир боқарди-ю, яна ўша заҳотиёқ ерга қарар эди. Эрнепесбой осойиштароқ, у отлардан кўз узмай пиёлани гоҳ қўлига олар, гоҳ гиламга қўяр эди.

Бешинчи давра охирлаётганда, улоқ жиддий тус олди. Йилдирим жийронга бир зумда етиб олиб, чанг-тўзонни кўтарганча уни анча ортда қолдириб кетди. Эрнепесбой ўзини тутолмай, Уразбойга таъна қилди:

— Бой! Отингнинг қолиб кетганини кўряпсанми?

— Уразбой бошини зўрға кўтариб, рақибига норози қиёфада боқди, аммо отларга қарамади.

Эрнепесбой борган сари ҳаяжонланар эди:

— Мана буни айғир деса бўлади... Қани эди ҳаммаси ҳам шунақа бўлса... Ёйилишига қара!

Жарчи хурсанд бўлиб, телпагини осмонга ота бошлади.

Аммо сўнгги давранинг ўртасига етганда Меликуш куч йиғиб олгандай, кўз очиб юмгунча жийронни ортда қолдириб, Пилдиримга яқинлашди. Эрнепесбойнинг ранги оқарди. Уразбойнинг ён-верида ўтирганлар жонланиб қолишди, қизил тўн, оқ телпакли ёш йигит тиззасида туриб қичқирди:

—Ота! Қара; Меликуш етаяпти. Пилдиримга етяпти... Қара!

Уразбой бошини кўтармай, қалтироқ овозда жавоб берди:

— Отлар марраға яқинлашганда, этагимдан тортиб қўй, ўғлим!

Худди шу пайт Меликуш Пилдиримга ҳам етиб олди, уни ҳам ортда қолдираётгандай бўлиб кўринди. Томошабинлар жонсарак бўлдилар, қаттиқ гала-говурдан одам ёнидагининг гапини ҳам эшитолмай қолди.

Пилдиримнинг чавандози унга қамчи боса бошлади. Аммо, рақиби ҳам ундан қолишмас эди. Икки от битта бўлиб кўриниб, ёнма-ён боришарди. Уразбойнинг ўғли отасининг этагидан тортиб қўйди:

—Ота! Етишди!

Уразбой оёққа туриб, унга биров ташланаётгандай бирдан овозини борича бақирди:

— Қаттиқроқ ур!

Шу пайт отлар қуюндай олдимиздан учиб ўтишди.

Улардан қай бири биринчи бўлиб марра чизиғига етганини ажратиб бўлмади.

Аммо шундай бўлса-да, Эрнепесбой тантана қилгандай ҳайқирди:

— Пилдирим биринчи келди... Буни гапирмаса ҳам бўлади!

— Нима-а? —Уразбойнинг бўғзига биров пичоқ қўйгандай бўлди.— Билдасанми бой... Сен: «қўрқоқ олдин мушт кўтаради» қабилида иш тутма.

— Нимадан қўрқишим керак?— Эрнепесбой ҳам овозини баландлатди. — Мени қўрқитадиган одам онасининг қорнидан тушгани йўқ ҳали! Сен ким бўлибсан, менга дағдаға қиляпсан?

— Бурнингни кўтарма!

— Нима қилардинг?

Уразбой бошқа сўз айтмай Эрнепесбойга ташланадигандай эди. Бунақа вақтда обрў тополмаслигини тушуниб, бир амаллаб ғазабини қайтарди. Чуқур нафас олиб, ён-веридагиларга юзланди:

— Сариқлар олдинга чиқ!

Унинг чақириғи ҳиёл ўтмай бутун майдонни бўйлаб, оғиздан-оғизга ўтди. Тез орада оломон ичидан чиққан ўнлаб чавандозлар, бир чеккада тўпланиб, янги буйруқ кутиб туришди.

Атрофдагилар Эрнепесбой билан Уразбойдан дилсиёҳликни бас қилишни сўрай бошладилар. Жарчи йиғламоқдан бери бўлиб бақирарди:

— Оға, ўтинаман, Байрамни азага айлантирманг... Одамларни уриштириб қўйманг. Бор-йўғимни сотиб, туяни ўзим бераман. Ёмон ниятдан қайтинг... Худодан қўрқинг!

Ўтиниб сўрашлар кор қилмади. Уразбой қўлидаги қамчини жаҳл билан қисиб, бақирди:

— Модомики шундай қилишга журъат этдингми, бутун чавандозларингни йиғиб, индинга водийга чиқ. Нима қилишимни ўша ерда кўрсатиб қўяман. Келмасанг — қўрқоқсан!

У ўғли олиб келган отга миниб, қамчи босди.

(Охири. Боши газетанинг ўтган сонларида).

---

[1] Рахш — «Шоҳнома» қаҳрамони Рустамнинг оти шундай деб аталган.

Архитектор устахонасида

УЙ ЖИЛДИРИЛАДИ

Ўзбекистон шаҳар қуриш илмий тадқиқот ва лойиҳа институтининг Самарқанд филиали коллективи ғалати бир лойиҳанинг иш чизмаларини тайёрлаб берди. Бу ерда гап Самарқанд шаҳар ижроия комитети биносини жилдириш тўғрисида бораётир.

Биз шу хусусда филиал директори Эркин Ҳамроев билан суҳбатлашдик. У қуйидагиларни айтиб берди:

— Самарқанд шаҳар ижроия комитетининг биноси архитектура жиҳатидан қимматли иморатдир. Уйни бундан юз йилча аввал қурган меъморлар бу ерда икки хил архитектура — рус архитектураси билан шарқ архитектурасининг ўзига хос синтезини биринчи бор қўлладилар.

...Самарқанд нинг марказий кўчаларидан бири— Горький номли бульварда университетнинг янги корпуси ишга туширилди. Натижада шаҳар ижроия комитетининг биноси квартал ичкарилигида паналаниб қолди. Шаҳарликлар ва Самарқандга келувчи кўпдан-кўп саёҳатчиларнинг кўзидан ўша бино гўзаллиги паналаниб қолди.

Шунинг учун ҳам лойиҳа, биринчидан, шаҳар ижроия комитети уйини университет корпусидан Коммунистик кўчаси сари 50 метр суришни, иккинчидан, шу уйнинг олдини ўша кўчага қаратиб 90 градус буришни, учинчидан, уйни кучли домкратлар билан кўтариб остига 300 ўринли мажлислар зали қуришни кўзда тутади. Ана шу залда шаҳар советининг сессиялари ўтказилиб туриладн.

Мана шу ишларнинг жами нархи тахминан 160 минг сўмга боради — уй нархининг ярмичасини ташкил этади.

* * *

Уттизинчи йилда СССРда уйларни жилдириш ишларида қатнашган киши мана шу фактни шарҳлаб беради. Ўша кишининг раҳбарлигида Самарқандда дадил лойиҳалар амалга оширилиб, ўзбек халқ меъморчилигининг нодир иншоотлари — Улуғбек мадрасаси билан Бибихоним мачитининг миноралари келгуси авлодларга сақлаб қолинган-ди. Бу киши — Самарқанд Давлат архитектура қурилиш институтининг профессори «тупроқ, замин ва пойдеворлар механикаси» кафедрасининг мудири Эммануиль Менделевич Генделдир.

Унинг лойиҳалари асосида ва бевосита раҳбарлигида Совет Иттифоқида 70 та бино, шу жумладан Москва шаҳар советининг биноси реконструкция қилинган, кўтарилган ва жилдирилган. Ўша вақтларда Москвада уйларни жилдириш билан шуғулланувчи махсус трест ишларди. Э. М. Гендель унинг бош инженери эди.

Э. М. Гендель Самарқанд Давлат архитектура — қурилиш институтида Тошкент ва Ўрта Осиёдаги бир қанча бошқа шаҳарлардаги уйларни суриш юзасидан бир қанча диплом лойиҳалари ёқланганлигини маълум қилди. Масалан, студент Р. Азизов Тошкент политехника институти архитектура факультети биносини суриш ва остига мажлислар зали қуриш лойиҳасини ишлаб чиқди. Студент И. Чирикаева Тошкент университетининг К. Маркс ва Коммунистик кўчалари ўртасидаги эски корпусларидан бирини «кўчириш» лойиҳасини ишлаб чиқди. Студент В. Скорбин эса Тошкентдаги бир уй-жойни жилдириш лойиҳасини ишлади. Студент Р. Миназова Олмаотадаги редакция корпусини суриш лойиҳасини ишлади (Бу ишни Казнипромстрой институти сўраганди).

Э. М. Гендель Улуғбек мадрасаси ва Бибихоним мачитининг миноралари тўғрилангач, республикамиз биноларини суришда зарур ноёб асбоб-ускуналар комплектига эга бўлиб қолди, деб таъкидлади. Мамлакатимиз бундай ишларни бажаришда анчагина тажриба орттирди. АҚШ, Польша, Францияда бундай ишлар камдан-кам бажарилган. «Самарқанддаги янги лойиҳанинг амалга оширилиши шонли инженерлик анъаналарини тиклаш борасида принципиал аҳамиятга эга бўлур» деди суҳбатдошимиз.

Ю. КРУЖИЛИН,
(ЎзТАГ мухбири).

ГАШТЛИ САЁҲАТЛАР

Шаҳар экскурсия ва саёҳатлар бюроси коллективлари ҳамшаҳарларимиз билан бир қаторда дала меҳнаткашларига ҳам яқиндан хизмат кўрсата бошлади. Янгийўл районидаги «Ленинизм», Жданов, Ленин, Ниёзов номли колхозларнинг меҳнаткашлари Тошкент шаҳрининг бугунги қайноқ ҳаёти билан танишишга таклиф қилинди.

Баҳор нафаси сезилиши билан мамлакат бўйлаб саёҳатга борувчи ишқибозларнинг оқими ҳам кўпайиб қолди. Бюро коллективи ҳамшаҳарларимизнинг истакларини инобатга олиб, Болтиқбўйи республикалари бўйлаб туристик поезд сафарини ташкил қилди. Ҳозирга қадар ана шу поезд учун 300 га яқин йўлланма тарқатилди. Ҳамшаҳарларимиз 18 мартдан бошлаб «Ўзбекистон» поездида Куйбишев — Харьков — Киев — Минск — Брест — Вильнюс — Калининград — Рига — Ленинград шаҳарлари бўйлаб саёҳат қиладилар. Сафар 19 кун давом этади.

• Тошкент — мамлакатга

СПОРТ ИНШООТЛАРИ

«Союзспортпроект» лойиҳалаш институтининг Тошкент зонал устахонаси коллективи республикамиз ҳамда қардош республикалар учун спорт иншоотлари лойиҳаларини яратяпти. Яқинда Тожикистон учун улкан спорт иншооти комплекси лойиҳаси яратилиб, буюртмачига топширилди.

А. Файнлейб раҳбарлигида шу кунларда Ашхобод шаҳридан олинган навбатдаги спорт иншооти лойиҳаси буюртмаси ниҳоясига етказилай деб қолди. Бунда қишки ва ёзги чўмилиш ҳавзалари, беш минг томошабинга мўлжалланган трибуна, шунингдек, стадион учун маъмурий бинолар бўлади.

Республика олтин тўйини муносиб лойиҳалар яратиш билан қарши олишга аҳд қилган институт инженер-техник ходимлари бугундан бошлаб пойтахтимиздаги «Спартак» кўнгилли спорт жамияти учун тўрт залли спорт корпуси лойиҳасини ишлашга киришдилар. Лойиҳа буюртмачига муддатидан икки ой олдин етказиб берилади.

Лойиҳачилар йил давомида Тошовуз шаҳри ва Янгийўл ёғ-мой комбинати учун спорт базалари лойиҳаларини тайёрлаб берадилар.

И. ШОИНОҒОМОВ.

• Ҳамшаҳарлар, сизлар учун

ҲАММА УЧУН ҚУЛАЙ

МАРТ ойида шаҳримиздаги бир қатор сабзавот магазинларида ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усули жорий этилди. Бунинг учун магазинларда қадоқлаш бўлимларини ташкил этиш, маҳсулотларни жойлаш учун идишлар тайёрлаш керак бўлди. Тажриба сифатида «Ташплодоовошчторг» бирлашмаси таклиф қилган янгилик ўзини оқлади, орадан кўп ўтмай унинг тарафдорлари сафи кенгая бошлади. Янгилик сотувчиларга ҳам, харидорларга ҳам манзур бўлди.

Биз саноат моллари магазинларида, озиқ-овқат магазинларида харидорларнинг ўз-ўзларига хизмат кўрсатишларига кўникиб кетганмиз. Сабзавот магазинларида бу усулни жорий этиш бирмунча қийин бўлди.

Куйбишев район улгуржи-чакана савдо конторасига қарашли Олой бозоридаги 1-магазинда савдо шундай уюштирилган.

Биз янгилик ҳақида қандай фикрдасиз деган савол билан бир неча харидорга мурожаат қилдик.

З. Исроилова, 236-мактаб инглиз тили ўқитувчиси:

— Мен бу магазинга тез-тез келиб тураман. Албатта ўз-ўзига хизмат кўрсатиш яхши. Лекин менга маъқул бўлган нарса бу—харидорнинг ўзига ёққан сифатли сабзавотларни танлаб олиш имкониятига эгалигидир. Аҳир аввал қандай бўларди. Сотувчи истасангиз-истамасангиз тарозида ириган ёки бузилган картошкани тортиб бераверарди. Энди эса ўзингиз танлайсиз.

Х. Абдуллаев, колхозчи, шаҳримиз меҳмони:

— Магазин хизматидан мамнунман. Жуда қулай. У ердан яхшигина олмалар сотиб олдим.

Магазин директори Е. Арутюнованинг ўзи мана бундай фикрда:

— Янгилик бизга ҳам маъқул бўлди. Маҳсулот реализацияси ҳажми кўпайди. Мисол учун илгари бир кунда икки тонна картошка сотадиган бўлсак, ҳозир кунига тўрт тонна сотаяпмиз. Пиёз ҳам икки баробар кўп сотилмоқда. Магазиннинг ўз-ўзига хизмат усулига ўтиши савдо маданиятининг яхшиланишига ёрдам бермоқда.

Сабзавот билан савдо қилишнинг янги усули чилонзорликларга ҳам маъқул бўлди. Бунга 16-квартал аҳолисининг Қатортол кўчасидаги 9-магазин хизматидан кенг фойдаланаётганлиги мисол бўла олади. Бу ерда ҳам контейнер-аравачалар ўрнатилган, тузланган сабзавотларнинг таъмини билиш учун алоҳида стол ажратилган.

Магазин директори Т. Азаматшайховнинг таъкидлашича, бу ерда ҳам картошка, пиёз реализацияси кескин кўпайган.

«Ташплодоовошчторг» бирлашмаси директорининг маълум қилишига қараганда март ойининг охиригача ўн-та магазин, шу ярим йил ичида яна 20 та магазин ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулига ўтказилади.

В. ВИКТОРОВ.

СУРАТЛАРДА: харидорлар контейнердан картошкаларни саралаб олишмоқда; савдонинг янги усулига ўтган 16-кварталдаги 9-магазин.



ТЕЛЕВИЗОР

19 МАРТ СЕШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 18.10 «Беш йиллик қурилишларида». **Тошкент кўрсатади.** 18.40 Кўрсатувлар программаси. 18.50 «Қизил галстук» телевизион журнали (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 19.30 «Стандарт ва сифат».

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.40 Оғир атлетика бўйича «Дўстлик» соврини учун халқаро мусобақалар. Ереваndан олиб кўрсатилади. 19.05 Янгиликлар. 19.15 Рангли телевидение. Болалар учун кўрсатув. 19.30 «Инсон ва қонун». 20.00 «Жаҳон халқлари ижоди». 20.50 Рангли телевидение. «Мгернинг дам олиш давридаги саргузаштлари». Телевизион бадиий фильм премьераси. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Ўзбек шоирларининг янги таржималари» (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 Рангли телевидение. «Адресимиз — Совет Иттифоқи». 23.30 «Брезент палатка қўшиқлари». Телевизион ҳужжатли фильм.

Учинчи программа. 16.20 дан Душанба кўрсатади.

20 МАРТ ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 12.00 Кўрсатувлар программаси. 12.05 Рангли телевидение «Эрталабки гимнастика машғулотлари». 12.20 Янгиликлар. 12.30 Рангли телевидение. Ўқувчилар учун. «Костёр». 13.00 Рангли телевидение. Г. Флобер. «Фредерик Моро». Телевизион спектакль. 1-қисм. 14.25 СССР Давлат «Классик балет» ансамблининг концерти. 15.50 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 16.20 Талабаларга мувофиқ музикали программа. 17.05 Кўрсатувлар программаси. 17.10 Ҳужжатли фильмлар программаси. **Тошкент кўрсатади.** 18.05 Кўрсатувлар программаси. **Ўзбек тилида:** 18.15 Телевизион қўғирчоқ театри. 18.45 «Ёзувчи ва замон». 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 19.30 Миллионлар ленинча университети. 19.45 Ўн минут музика. 19.55 «Ахборот» информацион программаси. 20.15 Тошкент давлат консерваторияси вокал факультети студентларининг концерти. **Москва кўрсатади.** 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Рангли телевидение. Футбол. Европа чемпионлари кубоги учун чорак финал ўйинлари. **ЦСКА** (Болгария) — **«Бавария»** (ГФР). Болгариядан олиб кўрсатилади. 23.45 Рангли телевидение. «Цинлянск денгизи соҳилида». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 24.00 Кўрсатувлар программаси. 00.05 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.05 Ўқувчилар учун. «Олтин шайба» клуби совриниучун. 18.35 Янгиликлар. 18.45 Оғир атлетика бўйича «Дўстлик» совринн учун халқаро мусобақалар. Ереваndан олиб кўрсатилади. 19.15 Рангли телевидение. Болалар учун. «Почтальон ва почта». 19.30 «Фан оламида». 20.00 Санъат усталари. СССР халқ артисткаси Е. М. Шатрова.

Учинчи программа. 19.00 дан Тошкент кўрсатади.

Сотувчининг электрон кўмакчиси

Сотувчи ричагларни енгилгина босиб ёнувчи кичик бир таблода мол нархини чиқарди, сўнгра тарозига бир бўлак ёғ кесиб қўйди. Шу заҳоти харидор кўз ўнгида икки хил рақам ёниб кўринди. Бу рақамларнинг бири харид этилаётган ёғ неча граммлигини, иккинчиси эса унинг нархини кўрсатди.

Киев порцион автоматлар тажриба заводи ишлаб чиқарган янги электрон тарози мана шундай ишлайди. Бундай тарозиларнинг биринчи туркуми Ўзбекистонга келтирилди ва қарийб ҳаммаси Чилонзор савдо марказига топширилди. Неча юзлаб харидорларга бу янгиликнинг фазилатлари манзур бўлди.

Чилонзор савдо маркази оригинал тарозини биринчи бўлиб ишлата бошлаганлиги тасодифий эмас. Совет савдоси техникумининг таълим базаси бўлмиш шу универсал магазиннинг катта озиқ-овқат моллари зали бор ва у илғор тажрибаларнинг ўзига хос лабораториясига айланди. Бу ерда турли янгиликлар биринчи имтиҳондан ўтмоқда.

Магазинда гастроном молларини қайта ишловчи машина ишлаб турибди. Унинг ёрдами билан пишлоқ ва колбаса исталган қалинликда қаламланади. Бу ерда сулк чопадиган машина ҳам пайдо бўлди. У қассобларга жуда қўл келмоқда. Магазин ходимлари холодильникдаги шарбатларни савдо залига тортиб чиқарувчи оригинал бир установкани монтаж қилдилар. Омборлардаги молларни пештахталарга узатувчи қияма подъёмниклар ускуналанди.

Савдо маркази чек ҳам ёзиб чиқарадиган аппарати бўлган электрон тарозилар ясаб беришни буюрдилар. Бундай тарозилар озиқ-овқатни пакетланган ҳолда сотишни ташкил этишга имкон беради.

(ЎзТАГ).

• Маданият хроникаси

ФИЛЬМ ЯРАТУВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Санъат саройида «Ўзбекфильм» киностудиясининг янги маҳсулоти— кенг экранли «Нодирабегим» фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Премьерага фильм яратувчиларидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, режиссёр Комил Ёрматов, бош роль ижрочиси Сайрам Исаева, оператор Т. Эфтимовский ва бошқалар меҳмон бўлиб келишди. Улар томошабинларга фильмнинг яратилиш жараёни ҳақида гапириб бердилар. Йиғилганлар уларни қизғин кутиб олишди.

МУХЛИСЛАР ҲУЗУРИДА

Мактабгача тарбия музика билим юртида ўқувчиларнинг бастакорлар билан учрашуви бўлиб ўтди. Болалар музикаси ҳафталигига бағишланган бу ижодий учрашувда композиторлардан Ғ. Қодиров, Ф. Назаров, А. Берлинлар иштирок этишди. Улар музика санъати, унинг ўзига хос сирлари, ижод жараёни ҳақида ўқувчиларга қизиқарли ҳикоя қилиб бердилар.

Учрашув сўнгида ўқувчилар ижросида концерт тингланди.

МОСКВА. Ленин проспектида яқинда шаҳар автомобиль инспекциясининг янги пости пайдо бўлди. Бундай пост пойтахтда ягона. Бу ерда автомобиль инспекцияси ходимларига телевидение ёрдам беради: Ленин проспекти ва ҳалқа йўли кесишувида ўрнатилган телевизион камера ана шу райондаги барча ҳаракатни назорат қилиб туриш имконини беради. Телекамера ёрдамида олинган тасвир ГАИ постидаги пикет мониторига узатиб берилади. Келажакда ана шундай постлар — ГАИ пикетлари пойтахтнинг барча автомобиль йўлларида пайдо бўлади.

А. Володин ва В. Христофоров фотоси.
(ТАСС).

Қувноқ сатрлар

◆ Ота ўғлидан сўради:

— Тото, сен мустақил ҳаётга қадам қўймоқдасан. Қайси касб эгаси бўлишни орзу қиласан?

— Эҳ, отажон,— деди хаёлчан Тото,— мен эртаю-кеч машинада саёҳат қилишни ва чўнтакларим доимо пулга тўла бўлишини жуда-жуда орзу қиламан.

— Бўлди, ўғлим, орзуларингга тушундим, сен автобус кондуктори бўлишни орзу қилар экансан,— деди ота.

◆ Генрих тиш докторидан қайтиб келди.

— Тишинг ҳали ҳам оғрияптими?—сўради онаси ачиниш билан.

— Билмайман ойижон, доктор уни олиб қолди,— деб жавоб берди Генрих.

◆ Уруш вақтида бир генерал жуда гўзал қизга уйланди. Шунда генералнинг ўртоқларидан бири:

— Дўстим, мен сенга ачинаман,— деди.

— Нега? — ҳайрон бўлди генерал.

— Чунки энди иккита фронтни қўриқлашингга тўғри келади.

Д. Абдувасилова
таржимаси.

• Сўнгги пушаймон—ўзингга душман

ТЎРТ ОҒА-ИНИ ҲАМТОВОҚЛАР

Айдаш ўша куни уйига анча кеч қайтди. Унинг қувончи чексиз эди. А. Рафиқовнинг келишини сабрсизлик билан кутиб турган Владимир Платонович унинг шодлигини кўриб пешвоз чиқди:

— Тинчликми? Бугун бошқача кўринасан?

— Э, дўстим, нимасини сўрайсан?— дея сўзида давом этди Айдаш. Йўлим тушиб Тошкент юк товар станциясига бориб қолгандим. Бир ишни кўнгилга тугиб қайтдим. Уни амалга ошира олсак, ошиғимиз олчи бўлади.

— Қани, эшитсак бўладими? —деди ҳамроҳи олдига янада яқинроқ бориб В. Корнейчук.

— Юк товар станциясининг 13-омборхонаси эшигига омонатгина мих ўтказиб қўйилар экан.

— Ростданми?

Шу оқшом икки ўртоқ бўлажак ўғрилик планини тузишди. Улар ўзларига иккита ҳамтовоқ ҳам танлашди.

Шаҳар кўчаларида кишилар қатнови тингач, жиноятчилар бирин-кетин юк товар станцияси деворидан ошиб ўтиб, мўлжаллаб қўйилган омборхонага бордилар. Больт ўтказиб, қўйилган эшикни очиб, ҳар бирининг нархи 33 сўмдан бўлган 11 та ошхона столи йиғмасини девордан нариги томонга узатиб турадилар. Ҳамтовоқлар шу кечаси ҳаммаси бўлиб 363 сўмлик буюмни А. Рафиқовникига ташиб олишди.

Ошхона столлари шу ерда пулланди. Маблағ эса, уч оғайни ботирлар ўртасида арра қилинди.

Дастлабки «омад» ўнгидан келганлигидан «илҳом»ланган ҳамтовоқлар навбатдаги ўғрилик режасини тузишга киришдилар. Рафиқов ўз шериги Василий Шеруимов билан юк товар станцияси омборхонасидан яна ҳар донаси 74 сўм 70 тийиндан бўлган 8 та автопокришка ва ҳар қайсиси 380 сўмдан тўртта «Горизонт — 204» телевизорини ўғирлашади.

Икки ўртоқ ўғирланган 6 та баллонни Шеруимов ертўласига келтириб яширишди. Қолганини 40 сўмга пуллашди. Шундан сўнг Рафиқов, Шеруимов, Мурашев билан келишишган ҳолда таксига ўтириб, телевизорларни ҳам олиб келиб, нур тушмас жойга беркитиб қўйдилар. Кейинроқ қолган олти автопокришка ҳам сув қилиниб, пули ўзаро тақсимлаб олинди.

Эртаси кун кечаси Айдаш Рафиқов ва Владимир Корнейчук 2091 сўм 60 тийинлик 28 та автопокришкани ўғирлаб, бир қисмини номаълум шахсларга сотадилар. Ўғрилар қисқа вақт ичида давлатнинг 4977 сўмдан ошиқ мулкини «ош» қиладилар.

Айдаш Рафиқов ана шу буюмларнинг барчасини, В. Корнейчук 2726 сўм 60 тийинлигини ўғирлашда иштирок этди. Мурашев ва Шеруимовлар 2288 ва 2117 сўмлик ҳар хил буюмларни ўғирлашда шерик бўлишди.

Ҳамза район суд ҳайъати айбдорлар жиноий ишини атрофлича кўриб чиқиб, ўғрилар бошлиғи А. Рафиқовни етти йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм чиқарди. У бу жазони оғир режимли ахлоқ тузатиш меҳнат колониясида ўтайди. В. Корнейчук беш йиллик муддат билан ана шундай жазога ҳукм қилинди. Группанинг қолган аъзолари ҳам турли муддатларга озодликдан жудо бўлдилар.

М. ХОЛМУҲАМЕДОВ,
Ҳамза район халқ судининг раиси.

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21|III да **Трубадур.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19|III да **Комиссия,** 20|III да **Комиссия.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20|III да **Хонума хоним,** 21|III да **Ажаб савдолар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ҚОЗОҚ ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (19.30).

КИНО

19 МАРТДА

Йўқолган миллионлар — «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кечқурун).

Хулоса— «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Ҳеч севганмисиз? — ҲАМЗА номли (кечқурун).

Эртага кеч бўлади — С. РАҲИМОВ номли (кечқурун).

20 МАРТДА

Нодирабегим — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Йўқолган миллионлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳеч севганмисиз? — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН «А» КЛАССИНИНГ II ГРУППАСИДАГИ КОМАНДАЛАР ЎРТАСИДА

ХОККЕЙ

19, 20 МАРТДА

«ВИМПЕЛ» (Рудний) — **«БИНОКОР»** (Тошкент).
Учрашувлар кеч соат 7 да бошланади.
Билетлар сотилмоқда.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ҳунар-техника таълими Давлат комитети

40-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1974—75 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати 1 йил.

БИЛИМ ЮРТИ АВТОСЛЕСАР КАСБИ БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ.

Билим юртига 8 синф ва ундан юқори маълумотга эга бўлган 15 ёшдаги ўспиринлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилинганлар кунига 3 марта бепул овқат, формали кийимлар ва махсус кийимлар билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР —1 АПРЕЛДАН БОШЛАНАДИ.

Билим юртини битириб чиқувчилар қурилиш ва заводларда ўз касблари бўйича ишлайдилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: билим юрти директорининг номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги ҳужжат, маълумоти ҳақидаги шаҳодатноманинг асли, турар-жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка, 3х4 см. катталикдаги 6 дона, 4х6 см. катталикдаги 4 дона фотосурат.

Аризалар қуйидаги адресда ҳар куни (дам олиш кунидан ташқари) **эрталаб соат 9 дан 17 гача қабул қилинади.**

Тошкент шаҳар, Луначарский шоссеси, 69-уй, телефонлар: Е-60-996, Е-60-998 (13-трамвайнинг «Консерва заводи», 1, 17, 4, 20, 41, 69, 74, 101-автобусларининг «Партия мактаби» бекатлари).

«Узглавуглеснабсбыт»нинг

ТОШКЕНТ ЁНИЛҒИ БАЗАСИ СКЛАДЛАРИ

САВДОСИДА

АНГРЕН, ҚАРАҒАНДА, КУЗБАСС КЎМИРЛАРИ ВА ЎТИНЛАР

МАВЖУД

Шаҳардаги корхоналардан ва гражданлардан ёнилғини уйга етказиб бериш учун шахсий ва коллектив

ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

ЁНИЛҒИ СКЛАДЛАРИНИНГ АДРЕСИ:

1-2—Ипподром кўчаси, 58-уй;
2—Уста-Ширин кўчаси, 173-уй;
3—Ш. Руставели кўчаси, 103 «а»-уй;
4 — Полевая кўчаси, 1-тупик;
5 — Полевая кўчаси, 52-уй.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

20 МАРТДАН 30 МАРТГАЧА

«ЧИЛОНЗОР» САВДО МАРКАЗИДА

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги пойафзал фабрикалари ишлаб чиқарган болалар пойафзалларининг

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

САВДО КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Тошкент оқшоми 4 бет.
19 МАРТ, 1974 й.

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ, КЎЧАСИ, 15-УЙ,

Р — 02329. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр А — 3037.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, Эълонлар бўлими—33-81-42.